



# Ойлик ижтимоий-маърифий журнал

## 1436 йил Жумадос соний 8-сон

### Тафсир

18. «Улар чумолилар водийсига келганларида, бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг лашкарлари билмасдан сизларни эзib юбормасинлар», деди».

### Ҳадис

«Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллат аёлларга ӯхшаб либос кийган эркакни ва эркакларга ӯхшаб либос кийган аёлни лаънатладилар».

### Ҳикмат

Макаримул аҳлоқ қуйидаги ўн хислатдан иборатdir:  
саҳоват ва ҳаё, ростгўйлик ва омонатни жойига бериш,  
камтарлик ва рашқ, шижаот ва ҳалимлик, сабр ва шукр.

**Фикҳ**  
«Хуҷуғ - бошн тақоқадир». Чунки Рисулатуллаҳ сендиқи тоҳиҷи маддани баҳори маддани худуғни бир бошн тақоқи хисоблагандир. «Аллэ макарим (кутиянинг) баянини бериш вожид бўйдай». 



**БОШҚАЛАРГА ЎХШАШ  
ВА ҚАЛБАКИЛИК ҲАРОМ**

**10**

**ИСЛОМ, ИЙМОН ВА АМАЛ**

**13**

**ОЛИМЛАРНИ ЯХШИ КҮРИШ  
ИЙМОН АЛОМАТИ...**

**17**

**ҲАФСА БИНТИ УМАР  
РОЗИЯЛЛОХУ АНХО**

**21**

**УЛАР БЕХУДА НАРСАЛАРДАН  
ЮЗ ЎГИРУВЧИЛАРДИР**

**25**

**МАДДОХЛАРНИНГ  
ЮЗИГА ТУПРОҚ СОЧИЛУР**

**26**

**МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ТАРИХИ**

**31**

**ХУШРЎЙЛИК СИРЛАРИ**

**33**

**«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ  
ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:**

*Муяссар Қаюмова  
Гўзал Дадамуҳамедова*

*Ирода Аҳмедова*

*Назокат Қосимова*

*Дилафруз Юсупова*

*Одинахон Муҳаммад Юсуф*

*Гулшода Мўминова*

*Зарнигор Аҳмадалиева*

*Умму Муҳаммад Билол*

*Дизайнер: Равшан Маликов*

**Электрон манзил: muslimalar1@gmail.com**

**15. «Батахқиқ, Биз Довуд ва Сулаймонга илм бердик. Икковлари: «Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дедилар».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳам Довуд алайҳиссаломга, ҳам Сулаймон алайҳиссаломга илм неъматини ато этган эди. Довуд алайҳиссаломга Забурни тиловат қилиш илмини ҳам берган эди. У киши алайҳиссалом Забурни тиловат қилганларида тогу тошлар ҳам, осмондаги қушлар ҳам жим туриб, тинглар эди. Бу ҳақда бошқа сураларда айтиб ўтилган.

Сулаймон алайҳиссаломга берилган илм ҳақида эса ушбу сурада батафсил сўз юритилади.

Албатта, Аллоҳ берган бундай улуғ неъматларга Довуд алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссалом шукр қилдилар.

**«Икковлари: «Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дедилар».**

Пайғамбарлик, илм, ҳикмат неъматлари билан неъматланганлар Аллоҳга ҳар қанча шукр қилиб, ҳамд айтсалар, оз.

*وَرَبُّكُمْ سُلَيْمَنٌ دَأْوَدْ وَقَالَ يَتَأْيِهَا النَّاسُ عِلْمَنَا مَنْطَقَ  
الَّطَّيْرِ وَأَوْتَنَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِنَّ هَذَا هُوَ الْفَضْلُ الْمُبِينُ*

**16. «Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди. У: «Эй одамлар, биз қушлар тилига ўргатилдик ва ҳар бир нарсадан берилди. Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир», деди».**

Ушбу оятдаги ворислик отанинг вафотидан кейин ундан қолган молу мулкка бўладиган оддий ворислик эмас, илмга ворислиқдир. Чунки Довуд алайҳиссаломнинг Сулаймон алайҳиссаломдан бошқа фарзандлари ҳам кўп эди. Улар мол-дунё масаласидаги меросда тенг ҳуқуқли эдилар. Аммо илм маъносидаги меросга фақат Сулаймон алайҳиссалом ворис бўлдилар. Шунинг учун ҳам

**«Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди» жумласидан кейин Сулаймон алайҳиссаломнинг**

**«Эй одамлар, биз қушлар тилига ўргатилдик»** деган сўzlари келмоқда. Сулаймон алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ томонидан қушларнинг тилини anglash илми берилганлигини барча одамларга эълон қилмоқдалар. Бу эълон фахр ва риёкорлик учун эмас, балки Аллоҳнинг неъматини эслаш маъносидадир.

**«...ва ҳар бир нарсадан берилди».**

Бу нарса Аллоҳ таолонинг катта неъмати. Катта неъмат бўлганда ҳам, ҳаммага ҳам берилавермайдиган неъмат.

**«Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир», деди».**

Ха, бу нарсалар Аллоҳ таоло томонидан берилган фазлдир. Ўз-ўзидан келадиган нарса эмас.

وَحُشَرَ لِسْلَيْمَنَ جُنُودُهُ مِنَ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ وَالْطَّيْرِ فَهُمْ  
يُزَعُونَ

**17. «Сулаймонга унинг жин, инс ва қушлардан бўлган лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолда турдилар».**

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга жинлардан ҳам, инсонлардан ҳам, қушлардан ҳам аскар берди. Албатта, у кишига дунёдаги ҳамма одамлар эмас, балки ўзлари яшаб турган ердаги маълум бир кишилар аскар бўлган. Шунингдек, жинлар ва қушлардан ҳам маълум микдори у кишига аскарлик қилган. Ушбу оятда ўша аскарларнинг Сулаймон алайҳиссалом хузурларида саф тортиб, тизилиб турганлари васф қилинмоқда. Демак, муҳим бир сафар олдидан шундай тизилганлар ва йўлга тушганлар.

حَتَّىٰ إِذَا أَتَرَّ عَلَىٰ وَادِ الْتَّمَلِ قَالَتْ نَمَلَةٌ يَتَأْيِهَا الْنَّمَلُ  
أَدْخُلُوا مَسَكِنَكُمْ لَا يَعْظِمُنَّكُمْ سُلَيْمَانٌ وَجُنُودُهُ وَهُنَّ لَا  
يَشْعُونَ

**18. «Улар чумолилар водийсига келганларида, бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг лашкарлари билмасдан сизларни эзиб юбормасинлар», деди».**

Ушбу биз тафсирини ўрганаётган суранинг «Намл» – «Чумолилар» деган исми айнан ушбу ояти каримадан олингандир.

Чумолилар ҳам асалариларга ўхшаб, ажойиб интизомга эга. Ҳали-хануз уларнинг жамоат бўлиб яшашларининг сири англанган эмас. Бу оятда уларнинг бир-бирларини хавф-хатардан огоҳ этишлари айтилмоқда.

Сулаймон алайҳиссалом ўзларининг жин, инс ва қушлардан иборат аскарлари билан юриб бораётган эдилар.

«Улар чумолилар водийсига келганларида...»  
Яъни чумолилар яшайдиган жойга етганларида,  
«...бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг лашкарлари билмасдан сизларни эзиб юбормасинлар», деди».

Одатда, тўп-тўп аскарлар саф бўлиб ўтганларида унча-бунча нарсага эътибор бермай, дуч келган нарсани оёқости қилиб кетаверадилар. Эҳтимол, ўша чумоли чумолилар водийсигининг хавф-хатардан огоҳлантирувчи масъули бўлгандир. Шу сабабли, у уларга уйларига кириб туришни маслаҳат берди.

## ТАФСИР

Унинг бу гапларини Сулаймон алайхиссалом ҳам эшилдишлар.

**فَبِسْمِ صَاحِبِكَ مِنْ قَوْلِهَا وَقَالَ رَبِّ أُوْزَعْنِيْ أَنَّ أَشْكُرْ  
نَعْمَتَكَ الَّتِيْ أَنْعَمْتَ عَلَيْ وَعَلَى وَلِدَيْ وَأَنَّ أَعْمَلَ صَلِحَّا  
تَرَضِيْهُ وَأَدْخِلْنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ**

19. «Бас, унинг сўзидан қулиб, табассум қилди ва: «Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва Сен рози бўладиган солих амаллар қилишимга муваффақ этгин. Ўз раҳматинг ила мени солих бандаларинг сафига киргизгин», деди».

Сулаймон алайхиссалом чумолининг сўзларини эшитиб, жилмайдилар. Дарҳақиқат, кичик бир жонзотнинг шунчалик закий ва хушёр бўлиши, бошқаларининг бу бошлиққа итоат қилишлари ажойиб холат эди. Шу билан бирга, чумолиларнинг гапларини эшитиш, тушуниш яна ҳам ажойиб ва кишини шодлантирадиган иш. Бу эса Аллоҳнинг неъмати эди. Шунинг учун ҳам Сулаймон алайхиссалом дарҳол шукр келтирдилар:

**«Рَبِّيْمِ، مَنِيْ يُزِنِغْ مِنْهَا وَقَالَ رَبِّيْ مَالِكٌ لَا أَرَى الْمُهَذَّهَ أَمْ كَانَ  
نَعْمَةَ الَّتِيْ أَنْعَمْتَ عَلَيْ وَعَلَى وَلِدَيْ وَأَنَّ أَعْمَلَ صَلِحَّا  
تَرَضِيْهُ وَأَدْخِلْنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ**

Неъмат берувчига шукр қилиш ҳам катта неъматдир. Чунки шукр ила неъмат бардавом бўлади. Сулаймон алайхиссалом нафакат ўзларига, балки отоналарига берилган неъматларга ҳам шукр қилиш учун Аллоҳнинг Ўзидан ёрдам сўрамоқдалар. Чун-

ки неъматнинг йўғига чидашдан кўра, борига шукр қилиш қийинроқдир. Буни ҳам Аллоҳ Ўз иноятига олганларгина адо этишлари мумкин.

Шунингдек, Аллоҳ рози бўладиган солих амаллар қилишга мусассар бўлиш ҳам катта фазлдир. Унга ҳам Аллоҳга сидқидилдан шукр қила оладиганларгина мусассар бўладилар.

**«Ўз раҳматинг ила мени солих бандаларинг сафига киргизгин», деди».**

Сулаймон алайхиссаломдек улкан пайғамбарнинг Аллоҳ таолодан солих бандалари қаторига қўшишини тилаб дуо қилишлари, бир томондан, у зотнинг камтарликларини кўрсатса, иккинчи тарафдан, солих бандаларнинг мақомлари қанчалик юксак эканини билдиради.

Ундан кейин яна аскарлар саф тортдилар. Сулаймон алайхиссалом уларни бирин-кетин кўздан кечира бошладилар.

**وَتَفَقَّدَ الظَّيْرَ فَقَالَ مَا لِكَ لَا أَرَى الْمُهَذَّهَ أَمْ كَانَ  
مِنَ الْفَاكِيْبِينَ**

20. «Ва қушларни текшириди-да, деди: «Нега Худҳудни кўрмаётирман? Ёки у ғойиблардан бўлдими?»

Сулаймон алайхиссалом лашкарни текшириб келиб, қушлар бўлимига етганларида, сафда Худҳуд (попишак) йўқлигини мулоҳаза қилдилар. Демак, ҳар қандай бошлиқ худди Сулаймон алайхиссаломга ўхшаб, ўз қарамогидаги атбоъларни доимо назорат қилиб туриши керак. Сулаймон алайхиссалом Худ-



худнинг йўқлигини пайқаганларидан сўнг, бошқа лашкарбошиларга ўхшаб, бақириб-чақирмадилар, сўкмадилар. Юксак одоб билан:

**«Нега Ҳудҳудни кўрмайтирум? Ёки у ғойиб-лардан бўлдими?»** дедилар.

«Нима гап ўзи? Ё у сафда турган бўлса ҳам, мен кўрмаяпманми? Ёки Ҳудҳуд ростдан ҳам сафда йўқми?» Бошлиқнинг саволини ҳамма аскарлар эшилди. Ҳудҳуднинг рухсатсиз ғойиб бўлгани барчага ошкор бўлди. Энди суриштириш керак, унинг узри борми? Агар узри бўлмаса, бу тартиббузарни қаттиқ жазолаш лозим, токи бошқа аскарларга ўрнак бўлсин.

Шунинг учун Сулаймон алайҳиссалом қаттиқ оҳангда сўзладилар:

لَا عَذَّبَنِهُ عَذَابًا شَدِيدًا أَوْ لَا ذَبَحَنَهُ أَوْ لِيَأْتِيَنَ  
سُلَطَنٌ شَيْءٌ  
۲۱

**21. «Албатта, уни шиддатли азоб-ла азобларман, ёки сўйиб юборурман, ёхуд менга, албатта, очик-оидин хужжат келтиражак».**

Бу қилгани учун Ҳудҳудга, албатта, шиддатли азоб бераман. Бир йўла сўйиб юборишим ҳам мумкин. Ёки бўлмаса, узрини тасдиқловчи очик-оидин хужжат келтириши шарт.

فَمَكَثَ غَيْرَ بَعِيدٍ فَقَالَ أَحَاطْتُ بِمَا لَمْ تُحْطُ بِهِ  
وَجَتَتُكَ مِنْ سَيِّئَاتِنَا يَقِينٌ  
۲۲

**22. «Кўп ўтмай, у (Ҳудҳуд) келиб, деди: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим».**

Шу гаплардан кейин кўп ўтмасдан, Ҳудҳуд етиб келди. Албатта, Сулаймон алайҳиссаломнинг аччиқланиб турганларини билган Ҳудҳуд у кишини ҳовуруларидан туширадиган гап қилишга уринди. Тафтишдан ва таҳдид гаплардан кўп ўтмай етиб келгани учун, ўзини оқлашга уринди. Сулаймон алайҳиссаломнинг эътиборларини тортадиган гап бошлади:

**«Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим»,** деди.

Сабаъ Арабистон ярим оролининг жанубида, Яманда жойлашган бир мамлакат эди. Ҳудҳуд ана ўша мамлакатдан ўта муҳим бир хабар келтирганини айтди. Ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ, ҳам инсу жин ва қушлардан иборат лашкарга бош бўла туриб, Сулаймон алайҳиссалом билмаган бир хабар. Сўнгра у тўхтамай, ўз сўзида давом этди:

إِنِّي وَجَدْتُ اُمَّرَةً تَمَلِّكُهُمْ وَأُوتِيتَ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ  
وَلَهَا عَرْشٌ عَظِيمٌ  
۲۳

**23. «Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси бўлиб, унга ҳар нарсадан берилган ҳамда унинг буюк тахти бор экан».**

Ўша Сабаъ юртида мен бир аёлни кўрдим. У аёл халқа подшоҳ экан. Аёлга ҳар нарса берилган экан. Ҳамда ўша маликанинг катта тахти бор экан.

وَجَدْتُهَا وَقَوْمَهَا يَسْجُدُونَ لِلشَّمَسِ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَرَبِّنَ لَهُمْ  
الشَّيْطَنُ أَعْمَلَهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ السَّبِيلِ فَهُمْ لَا يَهْتَدُونَ  
۲۴

**24. «Мен унинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилаётганларини ва шайтон уларга амалларини чиройли кўрсатиб, йўлдан тўсаётганини кўрдим. Бас, улар хидоят топмаслар».**

Гап шу ерга келгандা, энг муҳим хабар чиқди. Ўша Сабаъ мамлакатига подшоҳ бўлган аёл ва унинг қавми Аллоҳга эмас, қуёшга сажда қилаётган экан. Бу нотўғри йўлдир. Аллоҳнинг пайғамбари Сулаймон алайҳиссалом уларнинг бу хатоларини тузатишлари зарур. Лаънати шайтон улар қилаётган гуноҳ амалларни ўзларига чиройли кўрсатиб қўйибди. Агар шу ҳолларида юраверсалар, хидоят топмайдилар.

أَلَا يَسْجُدُوا إِلَيْهِ الَّذِي يُخْرِجُ الْخَبَرَ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ  
وَيَعْلَمُ مَا تَخْفُونَ وَمَا تَعْلَمُونَ  
۲۵

**25. «Осмонлару ердаги сирларни ошкор қиласидиган, махфий қилган ва ошкор қилган нарсаларингизни биладиган Аллоҳга сажда қилмайдиларми?!»**

Сабаъликлар англаб етмаган ҳақиқатни Ҳудҳуднинг билиши ҳайвонларнинг қанчалик иймонли эканликларини кўрсатади. Агар одамлар Сулаймон алайҳиссалом каби, уларнинг сўзларини тушунгандарида, ҳар доим улардан панд-насиҳат эшишиб турармидилар?!..

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ  
۲۶

**26. «Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У буюк Аршнинг Роббидир».**

Нима учун Сабаъ маликаси ва унинг қавми қуёшга сажда қиласидилар? Ахир Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ-ку! Буюк Аршнинг Робби фақат Аллоҳнинг Ўзи-ку!

Шу гаплар билан Ҳудҳуд ўта муҳим хабарни айтиб бўлди. Сулаймон алайҳиссалом нима килсилар? Ҳудҳуднинг бу гапларига ишонсинларми ёки йўқми?

## ТАФСИР

Худхуд ўз айбини беркитиш учун бу гапларни тўкиб айтмадимикан? Лекин бунчалик катта гапни ўзидан тўкиши ҳам қийин. Йўқ, Сулаймон алайхиссалом нима қилишларини Аллоҳ у кишига берган илм асосида яхши биладилар. Ул зот ана шу илмга биноан тасарруф қилдилар.

Ушбу оят сажда ояти бўлиб, уни ўқиган ёки эшигандан одамга қироат саждаси қилиш вожиб бўлади.

**﴿ قَالَ سَنَنْظُرُ أَصَدَقَتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْكَذَّابِينَ ﴾**

27. «У (Сулаймон) деди: «Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми».

Сулаймон алайхиссалом Ҳудхудга: «Сенинг гапинг асосида дарҳол бир хукм чиқаришга ошиқмаймиз, келтирган хабаринг ростми ёки ёлғон эканини текшириб кўрамиз», дедилар.

Сўнгра бир хат ёзиб, муҳр босиб, Ҳудхудга бердилар ва:

**﴿ أَذْهَبْ تَكْتَبِي هَذَا فَأَلْقِهِ إِلَيْهِمْ ثُمَّ تَوَلَّ عَنْهُمْ فَأَنْظُرْ مَا دَأْذَبْ يَرْجِعُونَ ﴾**

28. «Бу мактубимни олиб бориб, уларга ташла, сўнгра четга чиқиб, назар сол-чи, нима қайтарурлар».

Бу тадбир Сулаймон алайхиссаломнинг ўткир илмли пайғамбар ва тадбиркор подшоҳ эканликларини кўрсатиб турибди. Ҳозир у зот бир йўла икки ишни қилмоқдалар: Ҳудхуднинг ўзидан фойдаланиб, ҳам унинг ростгўй ёки ёлғончилигини синааб кўрмоқдалар, ҳам Сабаъ мамлакатига мактуб юбормоқдалар. Лекин у киши мактубда нима ёзилганини хеч кимга билдирамдилар.

**﴿ قَالَتْ يَأْتِيَهَا الْمُلْوَّا إِنِّي أَلْقَى إِلَيْكَ بَعْدَ كِيمٍ ﴾**

29. «У (Малика) деди: «Эй аъёнлар! Менга кароматли бир мактуб ташланди».

Оядта Ҳудхуд мактубни олиб, йўлга чиққани, Сабаъ мамлакатига етиб келиб, саройга яқин жойга мактубни ташлаб қўйиб, ўзи четга чиқиб тургани ва у мактуб қандай қилиб маликанинг қўлига тушгани айтиб ўтирилмади. Маликанинг мактубни олиб, у ҳақда аъёнларига хабар берадиган жойидан гап давом эттирилди.

Маликанинг аъёнларига мактуб ҳақида хабар бериши унинг ўз одамлари билан маслаҳатлашиб иш кўришига далолат қиласди. Шу билан бирга, малика ўзи сезган белгилар асосида мактубнинг кароматли эканини айтмоқда.

Малика сўзида давом этди:

**﴿ إِنَّهُ مِنْ شَائِمَنَ وَإِنَّهُ يَسِيرُ اللَّهُ الرَّحْمَنُ الْرَّحِيمُ أَلَا تَعْلَمُ عَلَىٰ وَأَتُؤْنِي مُسْلِمِينَ ﴾**

30. «Албатта, у Сулаймондандир, албатта, унда: «Бисмиллахир роҳманир роҳим».

31. «Менга қарши бош кўтармай, таслим бўлган ҳолингизда келинг (дейилмишдир)».

Малика мактуб юборган шахс Сулаймон алайхиссалом эканини, бу мактуб – талабнома «Бисмиллахир роҳманир роҳийм» билан бошланганини ва пайғамбарга қарши бош кўтармай, мусулмон бўлиб, хузурига боришилари талаб қилинганини аъёнларига айтди.

Сўнгра яна гапини давом эттириди:

**﴿ قَالَتْ يَأْتِيَهَا الْمُلْوَّا أَفْتُونِي فِي أَمْرِي مَا كُنْتُ قَاطِعَةً أَمْ حَقَّ شَهَدُونَ ﴾**

32. «У (Малика): «Эй аъёнлар! Менга бу ишимда фатво беринглар. Сизлар шохид бўлмагунингизча, мен бир ишга қатъий қарор қилмасман», деди».

Малика оқилона йўл тутмоқда. Олдин мактуб билан яхшилаб танишириб, кейин аъёнларига, атрофидаги давлат арбобларига маслаҳат солмоқда. «Сиз менга бу ишда, мактуб масаласида маслаҳат беринг», демоқда.

**﴿ قَالُوا نَحْنُ أُولَوْقَوْةٍ وَأُولُوْ بَأْيَسٍ شَدِيدٍ وَالْأَمْرُ إِلَيْكَ فَانْظُرْ مَا دَأْذَبْ تَأْمِينٌ ﴾**

33. «Улар: «Биз куч-кувват эгаларимиз ва азму шижаот эгаларимиз. Иш ўзингга ҳавола. Нима амр қилишингни ўйлаб кўр», дедилар».

Аъёнлар фикр айтишдан қочиб, амри бажаришга тайёр турганларини билдирадилар. «Бизда куч-кувват, азму шижаот етарли, нима буйруқ берсанг, адо этишга тайёрмиз, энди бу ёгини ўзинг ўйлаб, бир карорга келавер», дейишди. Ана шундан кейин малика қарорини айтди.

**﴿ قَالَتْ إِنَّ الْمُلْوَّا إِذَا دَخَلُوا قَرْبَكَةَ أَفْسَدُوهَا وَجَعَلُوا أَعْزَةَ أَهْلَهَا أَذْلَةً وَكَذَّلَكَ يَفْعَلُونَ ﴾**

**﴿ وَلَئِنِي مُرْسَلَةٌ إِلَيْهِمْ بِهَدِيَّةٍ فَنَّاظِرَةٌ بِمَرْجِعِ الْمُرْسَلِونَ ﴾**

34. «У (Малика) деди: «Албатта, подшоҳлар бирор шаҳар-қишлоқка кирсалар, уни бузиб ташларлар ва унинг азиз аҳлини хор-зор қилурлар. Ана шундай қилурлар».

**35. «Мен уларга бир ҳадя юборурман, қўрайчи, элчилар нима билан қайтар эканлар».**

Аъёнлар жангга тайёр эканликларини билдирсалар ҳам, малика урушишни ихтиёр қилмади.

Сулаймон алайхиссаломнинг мактубларидағи сўзларни текшириб кўришни истади. Сулаймон алайхиссаломнинг подшоҳми ёки пайғамбар эканини билмоқчи бўлди. Агар Сулаймон подшоҳ бўлса, ўшанга яраша иш кўриш керак. Чунки

**«Албатта, подшоҳлар бирор шаҳар-қишлоққа кирсалар, уни бузуб ташларлар...»**

Уларда ўзга юртларни босиб олиб, ўзига тобе халқларни кўпайтириш рағбати устун бўлади. Бунинг учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Эга бўлиш учун шаҳар-қишлоқларни вайрон ҳам қиласеврадилар.

**«...ва унинг азиз аҳлини хор-зор қилурлар».**

Одатда, подшоҳлар ўзлари вайрон қилган шаҳар-қишлоқлардаги азиз, обрў-эътиборли кишиларни хор этадилар. Чунки улар босқинчи подшоҳга қарши курашга раҳбарлик қилишлари мумкин.

**«Ана шундай қилурлар».**

Юқорида зикр этилган амаллар подшоҳларга хос ишдир.

**«Мен уларга бир ҳадя юборурман...»**

Одатда, ҳадя қалбни юмшатади. Ёмон ниятларни қайтаради.

**«...қўрай-чи, элчилар нима билан қайтар эканлар», деди.**

Агар ҳадяни қабул этса, мол-дунё учун интилган ва динни унга восита қилган бўлади. Ҳадяни қабул этмаса, молу дунё учун эмас, дину диёнат учун ҳаракат килаётган бўлади. Ана шунга қараб тасарруф қиласиз.

**فَلَمَّا جَاءَ سُلَيْمَانَ قَالَ أَتَمْدُونَنِ بِمَاَتَنَنِ فَمَآءَاتَنَنِ اللَّهُ خَيْرٌ مَمَّاَأَتَنَكُمْ بَلْ أَنْتُمْ بِهِ تَتَكَبَّرُونَ ۝۳۶**  
**أَرْجِعُ إِلَيْهِمْ فَلَنَانِيْنَهُمْ بَخْنُودُ لَا قِبْلَ لَهُمْ بَهَا وَلَنَخْرِجُهُمْ مِنْهَا أَذْلَةً وَهُمْ صَنْفُرُونَ ۝۳۷**

**36. «(Элчиси) Сулаймонга келганида, у деди: «Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз».**

**37. «(Эй элчи!) Сен уларга қайтиб бор. Бас, албатта, биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарумиз».**

Сабаъ маликасининг элчиси ҳадяни олиб келиб, Сулаймон алайхиссаломга тутди. У зотга бу иш ёқ-

мади. Аллоҳнинг йўлига қилган даъватларини қабул қилиш ўрнига, молу дунё билан кўнгилларини олишга уринаётганларидан аччиклари чиқди. Элчига караб:

**«Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?!» дедилар.**

Сизларни иймон-Исломга чақирган одамнинг кўнглини молу дунё билан олмоқчимисизлар?! Менга шуни раво кўрдингизми?!

**«Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир».**

Сизга Аллоҳ мол-дунё берган бўлса, менга мол-дунёни ҳам, ундан минг марта яхши пайғамбарларни, илмни ҳам берган. Мен сизларнинг иймонга келишингизни, Исломга киришингизни талаб қилдим. Ҳадя юборишингизни эмас.

**«Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз».**

Ушбу ҳадяларингиз билан иш битирмоқчи бўласиз. Сизнинг фикрингиздаги ҳаётнинг ўлчови шу.

**«(Эй элчи!) Сен уларга қайтиб бор».**

Сен менга ҳадя юборганларнинг олдига қайтиб бор ва уларга айтиб қўй, агар мусулмон бўлиб келмасалар:

**«Бас, албатта, биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарумиз», деди».**

Элчи қайтиб бориб, бўлган воқеани айтди.

Сўнгра Сулаймон алайхиссалом Сабаъ маликасининг одамлари билан келаётганидан хабардор бўлдилар ва аскарларини тўплаб, сўз бошлидилар:

**فَلَمَّا كَانَ لِيَهُ الْمَلْوَأُ أَيْكُمْ يَأْتِيَنِي بِعَرْشِهِ قَبْلَ أَنْ يَأْتُنِي مُسْلِمِينَ ۝۲۸**

**38. «У (Сулаймон): «Эй аъёнлар! Улар менга таслим бўлиб келишларидан олдин қайсингиз ҳузуримга у(малика)нинг тахтини келтира олади?» деди».**

Сабаъ маликаси одамлари билан йўлга чиқибди. Улар бу ёққа келишмокда. Сизлардан қайси бирингиз улар менга таслим бўлиб, етиб келишларидан аввал ҳузуримга маликанинг тахтини етказиб кела олади?

**فَلَمَّا عَفَرَتْ مِنْ لَهْنَنِ أَنَّا إِنِّي بِهِ قَبْلَ أَنْ تَقُومَ مِنْ مَقَامِكَ وَلِنِّي عَلَيْهِ لَقْوَى أَمِينٍ ۝۲۹**

**39. «Жинлардан бўлган Ифрит: «Мен уни сенга ўрнингдан тургунингча келтиурман. Албатта, бунда қувватли ва ишончлиман», деди».**

Араб тилида ёмонликда учига чиқсан ва қувватли жин-шайтон Ифрит дейилади. Бу сўз шайтонга

## ТАФСИР



ўхшаш одамга нисбатан ҳам ишлатилади. Сулаймон алайҳиссаломнинг мазкур гапларидан кейин у кишининг аскарларидан бўлган Ифрит:

**«Мен уни сенга ўрнингдан тургунингча келтиурман. Албаттa, бунда қувватли ва ишончлиман», деди».**

Афтидан, унинг бу гапи Сулаймон алайҳиссаломга ёқмади. Шунда

قَالَ الْذِيْ عِنْدُهُ عِلْمٌ مِّنَ الْكِتَابِ أَنَا أَئِنِّي بِهِ قَبْلَ أَنْ يَرَتَدَ إِلَيْكَ طَرْفَكَ فَلَمَّا رَأَاهُ مُسْتَقْرًا عِنْدَهُ، قَالَ هَذَا مِنْ فَضْلِ رَبِّي لِيَبْلُوَنِيْ أَشْكُرُ أَكْفُرُ وَمَنْ شَكَرَ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ رَبَّيْ عَنِّيْ كَرِيمٌ

**40. «Китобдан илми бор шахс: «Мен уни сенга кўзингни очиб-юмгунингча келтиурман», деди.** (Сулаймон) у(тахт)нинг ўз хузурида қарор топганини кўргач: «Бу Роббимнинг фазлидандир. Мен шукр келтираманми ёки ношукрлик қиласанми, синаш учундир. Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким ношукрлик қилса, бас, Роббим ўта беҳожатдир, ўта қарамлидир», деди».

Уламоларимиз ушбу ояти каримада зикр қилинган «китобдан илми бор шахс»нинг кимлиги ҳақида кўпгина фикрлар айтганлар. Жумладан, «У Тавротни, Исмул Аъзамни биладиган шахс эди», «Оти Осиф ибн Бархиё эди», «Лавҳул Махфуздан хабари бор эди» деган гапларни айтишган. Лекин Қуръони Карим ёки Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ўзлари бирор нарса айтмаганларидан кейин, бошқа бирор ишончли илмий далил бўлмагач, Қуръон ибораси билан кифояланиб, Аллоҳ ўша шахсни «китоб-

дан илми бор», деб айтибди, у ёғини Ўзи билади, дешишимиз тўғридир.

Баъзи бир уламолар «Китобдан илми бор шахс» Сулаймон алайҳиссаломнинг ўзлари», деганлар. Агар шундай бўлганида, оятда зикр қилинар эди. Зикр қилинмабдими, демак, у бошқа шахс.

Хулласи калом, Ифритдан кейин «китобдан илми бор шахс» Сулаймон алайҳиссаломга:

**«Мен уни сенга кўзингни очиб-юмгунингча келтиурман», деди».**

«Мен Ифритга ўхшаб, гапни чўзиб ўтирумайман».

Демак, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга қўлидан шунчалик ишлар келадиган маҳлукларни ҳам аскар қилиб қўйган экан.

Дарҳақиқат, ўшандай бўлди ҳам. Маликанинг таҳти келтирилди.

**«(Сулаймон) у(тахт)нинг ўз хузурида қарор топганини кўргач: «Бу Роббимнинг фазлидандир», деди».**

Бир зумда рўй берган бу ҳодиса Сулаймон алайҳиссаломни шошириб қўймади. Ўша гаройиб ишни амалга оширган илмли шахс ўз аскарлари эканидан у зот ғуурланиб кетмадилар. Хузурларида Сабаъ маликасининг таҳти турганини кўриб, тугёнга ҳам бормадилар. Дарҳол дилларига, тилларига

**«Бу Роббимнинг фазлидандир»** деган фикр, сўз келди. Ва бу гаплари билан, Аллоҳнинг фазли бўлмаса, бунака иш рўй бериши мумкин эмаслигини жуда яхши билишларини айтаптилар. Шунингдек, Аллоҳ таоло бундай фазлни беҳикмат бермаслигини эсладилар.

**«Мен шукр келтираманми ёки ношукрлик қиласанми, синаш учундир», дедилар.**

Ҳа, Аллоҳ таоло баъзи бандаларига Ўз фазлидан бирор неъмат берадиган бўлса, унда синов ҳам бўлади: «Кани, банда бу неъматга шукр қиласими ё ношукр бўладими?..» Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, бундай неъматларга шукр ёки куфрони неъмат қилишнинг Аллоҳга ҳеч қандай фойда-зарари йўқдир. Нима бўлса, банданинг ўзига бўлади.

**«Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким ношукрлик қилса, бас, Роббим ўта беҳожатдир, ўта қарамлидир», деди».**

Шукр қилган савоб олади. Аллоҳ унга берадиган неъматларини янада зиёда қиласи. Ношукрлик қилган одам эса гуноҳкор бўлади ва Аллоҳ унга берадиган неъматларини узуб қўяди. Бандасининг шукр қилишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ, у қарамли Зотдир. У неъматларини Ўз қарами ила беради, шукр учун эмас.

Сабаъ маликаси яқинлашиб келаётгандан, Сулаймон алайхиссалом яна бир чора кўришга қарор килдилар.

**قَالَ تَكْرُوا لَهَا عَرْشَهَا نَظَرٌ أَنْهَنِدِي أَمْ تَكُونُ مِنَ الظَّالِمِينَ لَا يَهْتَدُونَ**

41. «У (Сулаймон): «Унинг тахтини танимайдиган қилиб қўйинг. Кўрайлик-чи, у (малика) танирмикан ёки танимайдиганлардан бўлурмикан?» деди».

Сулаймон алайхиссалом бу ишни Сабаъ маликасининг ақл-заковати ва фахм-фаросатини синааб кўриш учун қилдилар.

Унинг тахти ўзгаририб қўйилди.

**فَلَمَّا جَاءَتْ قِيلَاهُنَّدَانَأَعْرَشَكَ قَالَتْ كَانَهُ هُوَ وَأُوْتِنَا الْعِلْمُ مِنْ قَبْلِهَا وَكَانَ مُسْلِمِينَ**

42. «У келган чоғда: «Сенинг тахтинг шундайми?» дейилди. У: «Худди ўшанинг ўзи», деди. «Бизга бундан илгари илм берилган эди ва мусулмон бўлган эдик».

Сабаъ маликаси тахтни кўриб, ўзиникига ўхшатди. Меники, дейин деса, Сабаъда қолган тахт ўзидан олдин қандай қилиб бу ерда пайдо бўлади? Меники эмас, дейин деса, ўзиникидан ҳеч фарқи йўқ. Шунинг учун

«Худди ўшанинг ўзи», деб, икки томонга бурса ҳам бўлаверадиган жавоб қилди. Бу маликанинг заковатини кўрсатади.

Ояти каримадаги

«Бизга бундан илгари илм берилган эди ва мусулмон бўлган эдик» деган жумлани баъзи тафсирчиларимиз Сабаъ маликасига нисбат берсалар, бошқалари Сулаймон алайхиссаломга тегишли, дейишади.

**وَصَدَّهَا مَا كَانَتْ تَعْبُدُ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنَّهَا كَانَتْ مِنْ قَوْمٍ كَفَّارِينَ**

43. «Ва уни Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарса тўсди. Албатта, у кофир қавмлардан бўлган эди».

Яъни ўша Сабаъ маликасини Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унгагина ибодат қилишдан Аллоҳдан ўзга сифиниб юрган нарсаси тўсиб қўйган эди.

«Албатта, у кофир қавмлардан бўлган эди».

Шунинг учун ҳам иймонга келмай юради.

**قِيلَ لَهَا أَدْخَلِي الصَّرْحَ فَلَمَّا رَأَتُهُ حَسِبَتْهُ لُجَّةً وَكَشَفَتْ عَنْ**

**سَاقِيهَا قَالَ إِنَّهُ صَاحِبُ مُمَرَّدٍ مَنْ قَوَارِيرُ قَالَتْ رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي وَأَسْلَمْتُ مَعَ شَلِيمَنَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ**

44. «Унга: «Саройга кир», дейилди. Уни кўрганида, сув деб ўйлаб, пойчаларини очди. У (Сулаймон): «Албатта, бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройдир», деди. У (малика): «Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман, Сулаймон ила оламларнинг Робби – Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди».

Сулаймон алайхиссалом Сабаъ маликасига мўъжиза кетидан мўъжиза кўрсатишида давом этдилар. Бу сафар ажойиб саройни кўрсатиб,

«Унга: «Саройга кир», дейилди».

Маликанинг қархисида сув устига курилган ғаройиб бир сарой турар эди. Малика таклифни қабул этиб, саройга кирмоқчи бўлди.

«Уни кўрганида, сув деб ўйлаб, пойчаларини очди».

Малика саройни кўрган чогида унинг майдонини сув деб ўйлаб, кийими хўл бўлмаслиги учун этакларини кўтариб, оёкларини очди.

Маликанинг бу ҳолини кўрган Сулаймон алайхиссалом унга изоҳ бериб:

«Албатта, бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройдир», деди».

Яъни «Сарой олдидағи майдон ҳам биллурдан ясалган, жуда силлиқ, уни сув деб ўйлаб, кийимингни кўтарма».

Ана шунда малика рўй бераётган ходисалар оддий эмаслигига, балки Аллоҳ юборган пайғамбарнинг мўъжизалари эканига ишонч ҳосил қилди. Аллоҳ таолонинг құдратига тан берди ва:

«Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман», деди.

Сенга иймон келтирмай, зулмкор бўлган эканман. Хатоимни тушундим.

«Сулаймон ила оламларнинг Робби – Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди».

Бир юртнинг тахтига эга бўлиб, қўлида ҳукми, аскарлари, чексиз молу мулки бўла туриб, кибру ҳавога кетмай, ақл-заковатини ишлатиб, ҳақиқатни тан олиб, Аллоҳга иймон келтириб, ҳаққа таслим бўлган бу аёлдан – Сабаъ мамлакатининг маликасидан ҳамма ибрат олиши керак.

«Тафсири Ҳилол», Намл сурасидан.

# БОШҚАЛАРГА ЎХШАШ ВА ҚАЛБАКИЛИК ҲАРОМ

عَنْ أَبْنَ عَبَّاسِ قَالَ: لَعْنَ النَّبِيِّ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ، وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам аёлларга ўхшашга уринган эркакларни ва эркакларга ўхшашга уринган аёлларни лаънатладилар».

**Шарҳ:** Бу бобдаги эркакларнинг аёлларга ўхшашга уриниши юриш-туришда, гап-сўзда ва кийимда бўлади. Аёлларнинг эркакларга ўхшашга уринишлари хам худди шундай.

وَعَنْهُ قَالَ: لَعْنَ النَّبِيِّ الْمُخَنَّثِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالْمُتَرَجَّلَاتِ مِنَ النِّسَاءِ، وَقَالَ: أَخْرُجُوهُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ، فَأَخْرَجَ النَّبِيُّ فَلَانَا، وَأَخْرَجَ عُمَرُ فَلَانَا. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатладилар ҳамда:

«Уларни уйларингиздан ҳайдаб чиқаринглар», дедилар.

**Бас,** Набий соллаллоху алайхи васаллам фалончини ҳайдаб чиқардилар. Умар фалончини ҳайдаб чиқарди».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

**Шарҳ:** «Хотинчалиш эркак» деганда аёлларга ўхшабиб юришга, гапиришга, кийинишга ҳаракат қиласидиган эркаклар кўзда тутилади. Шунингдек, «эркаксифат аёллар» деганда хам сунъий равишда эркакларга ўхшаб кийинадиган, гапирадиган ва юрадиган аёллар кўзда тутилади. Агар бу сифатлар одамда табиий равишда бор бўлса, бу хукмга дохил бўлмайди.

Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам Асжаша номли кора кулни хотинчалишлик қилгани учун шаҳардан чиқарип юборгандар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўзларининг халифалик даврларида Монеъ исмли хотинчалишни шаҳардан ҳайдаб чиқарганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: لَعْنَ النَّبِيِّ الْرَّجُلِ يُلْبِسُ لِنْسَةَ الْمَرْأَةِ، وَالْمَرْأَةَ تُلْبِسُ لِنْسَةَ الرَّجُلِ. رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ وَالنَّسَائِيُّ. وَلَأَبِي دَاؤَدَ وَالْعَلَيْبَرِيِّيِّ: مَنْ تَشَبَّهَ بِقَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам аёлларга ўхшаб либос кийган эркакни ва эркакларга ўхшаб либос кийган аёлни лаънатладилар».

Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган.

Абу Довуд ва Табароний қилган ривоятда:

«Ким бир қавмга тақлид қилса, у ўшаларданdir», дейилган.

**Шарҳ:** Ўз қавми, ўз дини ва урф-одати туриб, бошқаларнинг турмуш тарзини, кийиниши ва ҳаётдаги бошқа нарсаларини устун кўйиб, жон-жаҳди билан уларга ўхшашга ҳаракат килиш одамга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ўша одам «хар кимга ниятига яраша» коидасига биноан ўзи тақлид қилган қавмдан бўлади. Кофирларга ўхшашни орзу қилиб уринган бўлса, кофирлардан бўлади. Фожирларга ўхшашга ҳаракат қилган бўлса, фожир бўлади ва хоказо...

Ислом уммати Аллоҳ таоло юборган таълимотларнинг энг мукамалига, ҳар бир замон ва ҳар бир маконга муносиб таълимотга рано кўрилган умматдир. Аллоҳ таоло бу умматни бошқа барча умматлар устидан шоҳид қилиб кўйгандир. Аллоҳ таоло бу умматга ҳар бир нарсада ўзига хосликни бериб кўйгандир. Шунинг учун хам бу умматга ўзидан бошқаларга ўхшашга ҳаракат килиш, ўзига Аллоҳ таоло осмондан тушириб берган нарсани кўйиб, бошқа миллатлар ердан чиқарган нарсаларга ҳавас қилиш мутлақо тўғри келмайди.

Ушбу ривоятнинг «Либос китоби»да келиши хам бежиз эмас. Кўриб турибмизки, бунда факат кийим ҳақида эмас, балки умуман ташки қиёфани қандай тутиш кераклиги ҳақида хам сўз кетмоқда. Соқол-мўйлабни қандай кўйишидан тортиб ҳаром тукларни киришгача, улама сочдан тортиб, тирноқни олишгача сўз юритилмокда. Демак, ташки қиёфа маданиятида хам ҳар ким ўзлигини унутмаслиги керак. Эркак киши эркаклигини, аёл киши аёллигини. Мусулмон мусулмонлигини.

Эркаклар аёлларни бошқалардан ажратиб турадиган, уларнинг аёллигини билдирувчи белги, аломат бўлган кийимларни киймаслиги, аёлларга хос бўлган ташки қиёфа маданиятини ўзига рано кўрмаслиги керак.

Худди шунингдек, мусулмонлар бошқа миллатларга хос бўлған, уларни мусулмонлардан ажратиб турадиган нарсаларда уларга тақлид қилмасликлари лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنَ النَّبِيِّ الْرَّجُلِ صِنْفَانَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ لَمْ أَرْهُمَا: قَوْمٌ مَعْهُمْ سِيَاطٌ كَأَذْنَابِ الْبَقَرِ يَضْرِبُونَ بِهَا النَّاسَ، وَنِسَاءٌ كَأَسِيَّاتٍ عَارِيَاتٍ مُمْبَلَّاتٍ مَأْيَلَاتٍ رُؤُسُهُنَّ كَأَسْنَمَةِ الْبُخْتِ الْمَائِلَةِ،

لَا يَدْخُلُنَّ الْجَنَّةَ وَلَا يَجِدُنَّ رِيحَهَا، وَإِنَّ رِيحَهَا لِيُوْجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ كَذَا وَكَذَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Абу Хураирә розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Ахли дўзахдан икки тоифасини кўрмадим: Бир қавми, қўлларида сигирнинг думига ўхшаш қамчилари бору улар ила одамларни уурлар. Бир аёлларики, улар кийимли яланғочлар, йўлдан озувчилар, йўлдан озувчилар. Бошлари худди түяning қийшайган ўркачига ўхшайди. Улар жаннатга кирмаслар ва унинг хидини хам топмаслар. Албатта, унинг хиди бунча ва бунча масофадан келиб турур», дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзах ахлининг икки тоифасини ва уларнинг нима учун шундай бахтсизликка дучор бўлганларини баён қилмоқдалар.

**«Ахли дўзахдан икки тоифасини кўрмадим»**

Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларидан ушбу ривоятда васф қилинадиган кишилар ўша вақтда воқеликда бўлмаганлари, балки келажакда чиқишлари тушунилади. Ўша тоифадан биринчиси:

**«Бир қавми, қўлларида сигирнинг думига ўхшаш қамчилари бору улар ила одамларни уурлар».**

Булар заифларга, ўз кўл остидагиларга зулм ўтказадиган золимлардир. Дарҳакиқат, Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари юзага чиқди. Одамларга зулм ўтказадиганлар кўпайди. Одамларни анвойи азобларга соладиганлар учриди. Бинобарин, шу зулм сабабидан дўзахга ўтина бўладиган золимлар ҳам кўпайди.

Ўша дўзах ахларининг иккичи тоифаси;

**«Бир аёлларики, улар кийимли яланғочлар»**

Яъни, ўзлари кийим кийиб юрадилар-у, аслида яланғочдан фарқи йўқ. Кийими калталигидан кўкраклари, билаклари, баъзида оёқлари йўғон сонларигача очилиб туради. Шунингдек, кийими юпқалигидан кийим деб аталган нарсанинг остидаги жамики нарса бошқаларга кўриниб туради. Улар бу қилмишлари ила,

**«йўлдан озувчилар»дир**

Ана шундай ишлари билан бошқа аёлларни ҳам йўлдан озидирадилар. Айниқса, ёш қизларни ўзларига эргаштириб, йўлдан озидирадилар.

Шунингдек, кўча-кўйда, жамоатчилик жойларида мазкур шармандали ҳолатда юриб, эркакларни ҳам йўлдан озидирадилар. Шилқимликка, зинога чорлайдилар. Улар яна ўзлари ҳам

**«йўлдан озувчилар»дир**

Йўлдан озмаган бўлсалар, кийимли яланғоч бўлиб кўча-кўйда тентираб юармидилар?! Уларнинг

**«бошлари худди түяning қийшайган ўркачига ўхшайди».**

Чунки «мода» деб бошларига турли-туман нарсаларни ўрнатиб олган бўладилар. Шунингдек, фақат боши эмас, ўша бошидаги миялари ҳам қийшайиб қолган бўлса ажаб эмас. Бўлмаса, кийимли яланғоч бўлиб, ўзи ҳам йўлдан

озиб, ўзгаларни ҳам йўлдан оздириб юришармиди?! Уларнинг бу килмишлари жазосиз колмайди. Бу дунёда турли-туман мешақатларга, бало-офтальмийларга учрашларини тажриба кўрсатиб турибди. Аммо у дунёдагиси очик-ойдин:

**«Улар жаннатга кирмаслар ва унинг хидини хам топмаслар».**

Ха, унда шарманда аёллар жаннатга кириш у ёқда турсин, унга яқин ҳам кела олмайдилар. Хидини ҳам топа олмасликлари шунга далолат қиласи. Ваҳоланки,

**«Албатта, унинг хиди бунча ва бунча масофадан келиб турур»**

Баъзи ривоятларда «Кирк йиллик масофадан», дейилган.

Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу айтганлари ҳам юзага чиқди. Аёллар ичидаги худди шу ҳадиси шарифдаги тасвирга мос келадиганлари кўпайди. Ўзини билиб муҳташам, иболи кийинган аёллар қолоқликда, маданиятсизликда айбландилар. Уларнинг рўмоллари бошларидан тортиб олинди. Ўзлари одобли кийинганлари учун турли-туман қийинчиликларга дучор бўлдилар.

Ушбу ҳадиси шарифни яхшилаб тушуниб, унга амални кучайтириш керак. Орамизда кишиларга зулм ўтказадиганлар, шу сабабли дўзах ахли бўладиганлар йўқ бўлиши учун курашмоғимиз керак.

Аёл-қизларимиз ичидаги кийимли яланғочлар умуман бўлмаслиги учун харакат қилмоғимиз лозим.

وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمَرَ: كَانَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَلَالَ الصُّفَرَةِ، وَتَغْيِيرِ الشَّيْبِ، وَجَرَّ الْإِزَارِ، وَالتَّخْتَمَ بِالذَّهَبِ، وَالْتَّبَرْجَ بِالزَّيْنَةِ لِغَيْرِ مَحْلَهَا، وَالضَّرْبَ بِالْكَعَابِ، وَالرُّقْيَ إِلَّا بِالْمُعَوذَاتِ، وَعَقْدَ التَّمَائِمِ، وَعَزْلَ الْمَاءِ عَنْ مَحَلِهِ، وَفَسَادَ الصَّبِيِّ غَيْرَ مُحَرَّمٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

*Абдуллоҳ розияллоҳу анхұ айтадилар:*

**«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн нарсани ёмон кўрар эдилар: сариқ хушбўй суринни, оқ толалар(нинг ранги)ни ўзгартиришни, изорни судраб юришни, тилла узук тақиши, зийнатни ноўрин кўз-кўз қилишни, ошиқ ўйнашни, муаввизотлардан бошқа билан дам солишини, тумор қилишни, сувни ўз жойидан жудо қилишни ва болани бузишини, ҳаром қилмаган ҳолда».**

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган.*

**Шарҳ:** Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёмон кўрадиган ўнта нарсалари ҳакида аввал ҳам бир ҳадиси шарифни ўрганган эдик. Аммо унда зикр қилинган нарсалар ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсалардан бошқа эди. Демак, Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон кўрадиган нарсалар ҳакида ривоят қилинган нарсалар нисбий бўлиб, ривоят килувчи саҳобийнинг таҳлили ва фикри бўйича Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон кўрадиган нарсалар бўлар экан.

Мана, машхур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху ҳам ўз тушунчалари бўйича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон кўрадиган нарсалардан бир тоифасини зикр қилмоқдалар.

#### **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн нарсани ёмон кўрар эдилар»**

Келинг, ўша ўн нарсани бирма-бир ўрганиб, иложи бўлса, таҳлил қилиб чиқайлик.

##### **1. «Сариқ хушбўй суришни»**

Хушбўйлик учун суртиладиган нарсалар турли бўлади. Жумладан, ўша пайтларда хушбўйлик учун суртиладиган нарсалар ичida сариқ рангилари ҳам бор эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша нарсани ёмон кўрар эканлар. Умуман олганда, бу хукм эркакларга хос бўлиб, эр киши рангли хушбўй суртиши яхши эмас. Бу нарса аёлларга хос нарса. Эркаклар аёлларга хос ишни қилишлари маъқул эмаслигини аввал ўрганиб ўтдик. Айниқса, бу нарса хушбўй нарсалар борасида алоҳида таъкидланган ҳам.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аёллар хушбўйларининг яхшиси ранги зоҳир бўлиб, хиди маҳфий бўлганидир. Эркаклар хушбўйларининг яхшиси ранги маҳфий бўлиб, хиди зоҳир бўлганидир», дейилган.

Исломда ўзини маданиятли тутишга қанчалик эътибор берилганига қаранг. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хушбўйларни ишлатишни, уларнинг аёллар учун алоҳида, эркаклар учун алоҳида бўлиши кераклигини баён қилиб бермоқдалар.

Аёллар ўзларига ўткир ҳидли нарсаларни ишлатсалар, кўча-кўйда, жамоатчилик жойларида бегоналарнинг бехуда эътиборини жалб қилишлари мумкин. Бироқ, рангли нарса истеъмол қилсалар, бу нарсалар одатда керак бўлмаган жойда, номаҳрамлар хузурида уларнинг кийимлари панасида қолади.

Эркакларнинг ўткир ҳидли нарса ишлатишлари уларнинг эркаклик хусусияти или кўп терлашлари, ноҳуш ҳидларга ўзларини уришлари юзасидан келиб чиқкан. Рангли нарса суртсалар ёки сепсалар бехуда эътиборни жалб қилиши, аёллар қиласиган ишини қилибди, дейилишига сабаб бўлади.

Хусусан, сариқ рангли хушбўй сепмаслик ёки суртмасликнинг алоҳида таъкидланишига аввалги сабаблардан ташқари, сариқ рангли хушбўй суриш ва умуман сариқ ранг мажусийларнинг, буддага топинувчиларнинг шиори бўлгани сабаб бўлган.

##### **2. «Оқ толалар(ранги)ни ўзгартиришни»**

Яъни, соч-соқолнинг оқини қора рангга бўяб олишни. Бу ҳақда юқорида батафсил гапириб ўтдик.

##### **3. «Изорни судраб юришни»**

Бу масала ҳам ўз ўрнида керагича ўрганилган.

##### **4. «Тилло узук тақишини»**

Тилло узук тақиши мусулмон эркакларга ҳаром эканлиги ҳам алоҳида бобда ўрганилди.

##### **5. «Зийнатни ноўрин кўз-кўз қилишни»**

Бу ерда аёл қишининг ўз эридан бошқаларга зебу зийнатланиб кўриниши кўзда тутилган. Муслима аёллар номаҳрамларга зеб-зийнатларини кўрсатмасликлари лозим. Улар ҳар қанча ясан-тусан қилсалар, ҳар қанча зеб-зийнатни намойиш қилсалар ўзларининг жуфти ҳалолларига қилишлари керак.

Эрининг қаршисида кир-киртос кийим, соchlар тўзиған, турли ҳидлар анқиган ҳолда кўриниб юриб, ётиб-турриб, кўчага чиқаётганда бор имконини ишга солиб, етмай қолса бошқалардан қарз олиб, ясан-тусан қилиш муслима аёлларнинг ҳолатига мутлақо тўғри келмайди.

##### **6. «Ошиқ ўйнашни»**

Яъни, ошиқ воситасида қимор ўйнаш. Қиморнинг ҳар кандай кўриниши ҳаром. Лекин ўша вактда ошиқ отиб қимор ўйнаш кўп тарқалгани учун бу нарса алоҳида таъкидланмоқда.

##### **7. «Муаввизотлардан бошқа билан дам солишни»**

«Муаввизотлар» – Аллоҳдан паноҳ тилаш маъноидаги сурा, оят ва дуолар. Бу масалани Аллоҳ таолонинг ёрдами или «Тиб китоби»да ўрганамиз.

##### **8. «Тумор қилишни»**

Яъни, бировларга тумор қилиб бериш ёки ўзи тумор осиб юриш. Бу масалани ҳам Аллоҳ таолонинг ёрдами или «Тиб китоби»да ўрганамиз.

##### **9. «Сувни ўз жойидан жудо қилишни»**

Бу жойдаги сувдан мурод – маний сувидир. Хотини билан яқинлик қилган қишининг манийни ташқарига тўкиши «сувни ўз жойидан жудо қилиш» деб номланмоқда. Бу масалани «Никоҳ китоби»да ўрганганимиз.

##### **10. «Болани бузишни, ҳаром қилмаган ҳолда».**

Ушбу жумладаги «бувакни бузиш» деганда эрнинг эмизикли боласи бор аёлга яқинлик қилиши натижасида аёл ҳомиладор бўлиб қолиб, эмаётган бола зарар тортиши кўзда тутилган.

Жумланинг давомидаги «ҳаром қилмаган ҳолларида» ибораси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишилдири. Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эмизикли аёлнинг ҳомиладор бўлиб қолиб, уни эмаётган гўдак зарар тортишини ёмон кўрганлар, лекин бу ишни ҳаром қилмаганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда зикри келган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон кўрган ўн нарсадан бештаси – сариқ рангли хушбўй суртиш, оқ соч толаларнинг рангини ўзгартириш, изорни судраб юриш, тилла узук тақиши, зийнатни ноўрин кўз-кўз қилиш биз ўрганаётган масала, яъни мусулмон инсоннинг ташки маданиятига бевосита боғлиқ масалалардир. Уларга оғишмай амал қилиш ҳар биримизнинг мусулмонлик бурчимиздир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан олинди.

*Бисмиллахир Роҳманир Роҳим!*

## **ИСЛОМ, ИЙМОН ВА АМАЛ**

**Ислом** Аллоҳ таолонинг Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қилған динидир ва у **иймон** ҳамда **амалдир**.

**Иймон** ақийданинг устига Ислом қонунлари қоим бўлган устундир ва ундан шаҳобчалар келиб чиқади.

Амалэса шариатнинг ҳамда **иймон ва ақийда** дининг давоми деб эътиборга олинган шаҳобчадир.

**Иймон ва амал** ёки **ақийда ва шариат** иккиси худди мевалар дараҳтлар билан, яратилган нарсалар сабаблар билан, натижалар муқаддималар билан боғлиқ бўлганидек ўзаро боғлиқдир.

Мана шу мустаҳкам боғланиш сабабли Қуръони Карим оятларининг аксариятида амал иймон билан бирга зикр қилинади:

**«Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилғанларга, улар учун осталаридан анхорлар оқиб турган жаннатлар борлигининг хушхабарини бер»** (*Бақара сураси, 25-оят*).

«Эркакми, аёлми, ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, уни пок, гўзал ҳаёт кечирирамиз ва албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзали баробарида ажр ила мукофотлармиз» (*Наҳл сураси, 97-оят*).

«Албатта, иймон келтирган ва яхши амалларни қилғанларга Роҳман мұҳаббат пайдо қилур» (*Марям сураси, 96-оят*).

## **ИЙМОН ЁКИ АҚИЙДА ТУШУНЧАСИ**

Ақийда бир нарсани шак-шубҳасиз тасдиқлаш ва унга жазм қилишдир. У **иймон** маъносини англатиб, «Фалон нарсага эътиқод қиласан» дегани, «Унга иймон келтираман» деганидир.

Иймон тасдиқлаш маъносини англатади. «Бир нарсага иймон келтириди» дегани «Уни шубҳадан, шакдан холи бўлган тасдиқлаш ила тасдиқлади», деганидир.

Иймон ёки ақийда тушунчаси олтита нарса билан тўғри бўлади:

1. Аллоҳни ва У Зотнинг гўзал исмларини ҳамда олий сифатларини билиш. Унинг мавжудлигининг далилларини, коинот ва табиатдаги азамати кўринишларини билиш.

2. Табиат орқасидаги, яъни кўринмайдиган оламни ва ундаги фаришталарда яхшилик қуввати борлигини, Иблис ва унинг шайтонлардан бўлган аскарларида ёмонлик қуввати борлигини тасдиқлаш. Шунингдек, бу оламдаги жин ва рухларни билиш.

3. Ҳақ ва ботил, яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром, гўзаллик ва хунуклик белгиларини чегаралаш учун туширилган Аллоҳнинг китобларини билиш.

4. Ҳидоят байроқлари бўлишлари учун ихтиёр қилинган Аллоҳнинг анбиё ва расуллари ҳамда ҳалқи ҳаққа бошловчиларни билиш.

5. Охират кунини ва ундаги қайта тирилиш, жазо, савоб, иқоб, жаннат ва дўзахни билиш.

6. Яратиш ва тадбир қилишда коинот низоми унга қараб юрадиган қадарни билиш.

Мана шу иймон тушунчаси – Аллоҳ у ила Китобларини нозил қилған ва у ила расулларини юборган ва уни аввалгию кейингиларга тавсия қилған ақийдадир.

У биргина ақида бўлиб, замон ва маконларнинг алмashiши ила алмашмайди, шахс ва қавмларнинг ўзгариши ила ўзгармайди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

**«У Зот сизларга дин этиб, Ўзи Нуҳга васият қилған ва сенга ваҳий қилған ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсога васият этган нарсамизни шариат қилди: «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз!»** деди (*Шуро сураси, 13-оят*).

Аллоҳ таоло бизга дин асосида шариат қилиб берган, ўтган расулларига васият қилганидек, бизга ҳам васият қилған нарсалар ақийданинг устунлари ва иймоннинг қоидаларидир, диннинг шаҳобчалари ҳам, амалий қонунлари ҳам эмас. Албатта, ҳар бир умматнинг шароитига, ҳолатига ҳамда фикрий ва руҳий даражасига мос келадиган амалий қонунлари бор.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

**«Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва маслак қилиб қўйдик»** (*Моида сураси, 48-оят*).

**«Исломий ақийдалар» китобидан**  
**Одинахон Мұхаммад Юсуф таржимаси**

# ХУЛУЬ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Хожат тушганда маҳрга яроқли нарса эвазига хулуъ қилса бўлади. Хулуъ – боин талоқдир. Аёлга (хулуънинг) бадалини бериш вожиб бўлади. Эрга, агар айб ўзида бўлса, бадални олиш, агар айб аёлида бўлса, унинг ортигини олиш макруҳдир.

Агар мол эвазига ёки мол бериш шарти билан талоқ қилса-ю, аёл қабул қилса, боин талоқ тушади. Хамр ва тўнғиз эвазига бўлса, эрга хеч нарса лозим бўлмайди. Хулуъда боин, талоқда ражъий талоқ тушади.

Агар аёл мингнинг эвазига уч талокни сўраса-ю, эр бир талоқ қўйса, бир боин талоқ тушади ва мингнинг учдан бири лозим бўлади. Минг бериш шарти билан бўлганда, Абу Ҳанифанинг наздида бир ражъий талоқ тушади ва хеч нарса бериш лозим бўлмайди.

Хулуъ аёлнинг ҳаққида эваз олди-бердиси ҳи-собланади. У мажлис билан чегараланади. Шунинг учун унинг айтганидан қайтиши ва ихтиёр қилиш шарти тўғри бўлади. Хулуъ эрнинг ҳаққида қасамдир. Шунинг учун хукмлар аксинча бўлади. Қул аёлнинг ўрнидадир. Хулуъ ва бирбиридан воз кечиш икковларидан никоҳ ҳақларини соқит қиласди.

Агар ота кичкина қизини қизнинг моли эвазига хулуъ қилса, бу иш талоқ тушишидан бошқа нарсаларда бехуда бўлади. Шунингдек, ўша кичкина қиз эрнинг хулуъсини қабул қилганда ва отаси зомин бўлганда ҳам. Бас, мол унинг зиммасига тушади.

«Хулуъ» сўзи луғатда кўпроқ «кийим ечиш» маъносида ишлатилади. Шариатда эса хотин кишининг арз қилиб, бир нарса бериб, эри билан ажрашишига «хулуъ» дейилади. Чунки эр-хотин Куръон таъбири ила бир-бирига кийим ўрнида бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қиласди:

عَلَيْهِمَا جَنَاحَ فَلَا إِلَهَ حُدُودٍ يُقِيمَ أَلَا خِفْتُمْ إِنَّ  
تَعْتَدُوْهَا فَلَا إِلَهَ حُدُودٍ تِلْكَ بِهِ أَفَنَدَتْ فِيهَا

«...Бас, агар икковларининг Аллоҳнинг чегараларида турга олмасликларидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда икковларига гуноҳ йўқдир. Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидадир. Бас, уларни бузманг» (229- оят).

Ушбу ояти карима асосида Ислом шариатида «хулуъ» хукми жорий қилинган. Эр-хотиннинг



бирга яшашга иложлари қолмаса, агар бирга турсалар, гуноҳ иш содир бўлиши муқаррар бўлиб қолса, хотиннинг эридан қўнгли тўлмаса, ажрашишни истаб, эрига фидя (тўлов) бериб, уни рози қилиб ажрашиб кетса бўлади.

Бу масалада «Мухтасари Викоя»нинг сохиблари қўйидагиларни айтади.

«Хожат тушганда маҳрга яроқли нарса эвазига хулуъ қилса бўлади».

Бунга хозиргина ўрганган оятимиз ва қўйидағи ҳадиси шариф далиллар:

عَنْ أَبْنَ عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ امْرَأَةَ ثَابَتْ بْنَ قَيْسَ أَتَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا أَعْتَبُ عَلَيْهِ فِي خُلُقٍ وَلَا دِينٍ وَلَكُنِي أَكْرَهُ الْكُفَّارَ فِي الْإِسْلَامِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَرْدِينَ عَلَيْهِ حَدِيقَتَهُ قَالَتْ نَعَمْ قَالَ أَقْبِلُ الْحَدِيقَةَ وَطَلَقْهَا تَطْلِيقَةً رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالنَّسَائِيُّ .

Иbn Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Собит ибн Қайснинг хотини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен унга хулқда ҳам, динда ҳам бир айб қўя олмайман, лекин Исломда куфрон бўлишини ёқтирамайман», деди. Шунда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга боғини қайтариб берасанми?» дедилар.

«Ҳа», деди аёл.

«Боғни қабул қилиб ол-да, уни бир талоқ қил», дедилар.

Бухорий ва Насаий ривоят қилишган.

Собит ибн Қайс розияллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини қилди ва шу тариқа Исломда биринчи хулуъ собит бўлди.

«Хулуъ – боин талоқдир».

Чунки Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хулуъни бир боин талоқ ҳисоблаганлар.

«Аёлга (хулуънинг) бадалини бериш вожиб бўлади».

Яъни эридан хулуъ қилаётган аёлга эрига хулуънинг бадалини бериш вожиб бўлади.

«Эрга, агар айб ўзида бўлса, бадални олиш, агар айб аёлда бўлса, унинг ортигини олиш макруҳdir.

Яъни эр ўзининг айби билан хотинни хулуъ қилишга олиб келган ва хулуъ эвазига хотин маҳрнинг бадалини қайтариб бераётган бўлса, уни олиш эрга макруҳdir.

Аммо айб хотинда бўлса ва у маҳр бадали устига қўшиб бераётган бўлса, эрга ўша ортигини олиш ҳам макруҳ бўлади.

Собит ибн Қайс розияллоҳу анху Жамила розияллоҳу анхога бир боғни маҳр қилиб берган эди. Собит розияллоҳу анху ўзлари одобли, диндор бўлсалар ҳам, чиройли эмас эканлар. Шунинг учун хотинлари Жамилага ёқмаганлар.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, Жамила розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бир куни пардани қўтариб кўчага қарасам, у бир гуруҳ одамлар билан келаётган экан, уларнинг ичида ундан кўримсизи, ундан хунуги йўқ экан!» деган.

Шунинг учун куфрони аъшир, яъни эрга итоатсизлик бўлишидан қўрқсан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамиланинг ажраш истагини Собитга айтганларида, у: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен унга энг яхши молимни – боғимни маҳр қилиб берган эдим», деган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамила розияллоҳу анҳога: «Унга боғини қайтариб берасанми?» деганлар. Бу саволнинг жавобига Жамила розияллоҳу анҳо:

«Ҳа, устига бошқа нарса ҳам бераман», деган.

«Зиёданинг кераги йўқ», деганлар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Хулуъга маҳр бўлиши жоиз нарса берилса ҳам бўлади. Уламоларимиз: «Хулуънинг миқдори ўша аёлга берилган маҳрдан ортиқ бўлмагани маъқул», дейишади.

Хулуъ Исломда аёл киши учун эрдан ажрашишга очиб берилган йўлдир. Эр ажрашишни хоҳласа, талоқ қилади. Хотин ажрашишни хоҳласа, қозига арз этиб, хулуъ қилади.

Агар мол эвазига ёки мол бериш шарти билан талоқ қилса-ю, аёл қабул қилса, боин талоқ тушади. Хамр ва тўнғиз эвазига бўлса, эрга ҳеч нарса лозим бўлмайди. Хулуъда боин, талоқда ражъий тушади.

«Сени минг тилла эвазига талоқ қилдим» деганданда ёки «Сени минг тилла бериш шарти билан

# Хадис

талоқ қилдим» деганда, хотин: «Шартни қабул қилдим», деса, орага бир боин талоқ тушади. Чунки икки ҳолатда ҳам талоқ хотиннинг қабулига боғлиқдир.

Хамр ва түнғиз мусулмон шахс учун қийматта эга мол эмас. Шунинг учун уларни бериши ҳам лозим бўлмайди. Буларга ўлимтик ва хур инсон кабилар ҳам киради. Бундай пайтда хулуъда боин, талоқда ражъий тушади. Чунки бериладиган эваз ботил бўлганидан сўнг лафзларга эътибор қилиш лозим бўлади. Хулуъ боин талоқни, талоқ эса ражъийни тақозо қиласди.

Агар аёл мингнинг эвазига уч талоқни сўраса-ю, эр бир талоқ қўйса, бир боин талоқ тушади ва мингнинг учдан бири лозим бўлади. Минг бериш шарти билан бўлганда, Абу Ҳанифанинг наздида бир ражъий талоқ тушади ва ҳеч нарса бериш лозим бўлмайди.

Араб тилида эваз билан шартнинг орасида катта фарқ бўлади. Шунинг учун бу икки маъно ишлатилганда ҳукмлар икки хил бўлади.

Хулуъ аёлнинг ҳаққида эваз олди-бердиси хисобланади. У мажлис билан чегараланади. Шунинг учун унинг айтганидан қайтиши ва ихтиёр қилиш шарти тўғри бўлади.

Хулуъ қилишни хоҳлаган аёл мол бериши лозим бўлгани сабабли бу иш унинг учун савдога ўхшаш нарсага айланиб қолади. Хулуъ масаласини ўша мажлиснинг ўзида ҳал қилиши лозим. Ундан кейинга қолдиришга ҳаққи йўқ. Шунинг учун у хулуъни таклиф қилганидан кейин эри бу таклифни қабул қилишидан олдин гапини қайтариб олишга ҳақлидир. Эр «Минг тилла бериш шарти ила сен талоқсан», деганида аёл «Қабул қилдим», деса, унинг уч кунгача ихтиёр ҳаққи событ бўлади. Бу муддат ичиди эр талоқни қайтариб олса, талоқ ботил бўлади. Аёл талоқни ихтиёр қиласа, талоқ тушади ва эрга минг тилла бериши вожиб бўлади.

Хулуъ эрнинг ҳаққида қасамдир. Шунинг учун ҳукмлар аксинча бўлади.

Яъни қайтиши мумкин эмас ва унга ихтиёр ҳаққи ҳам берилмайди. Масалани ўша мажлиснинг ўзида ҳал қилмасдан, кейинга қолдирса ҳам бўлади. Бошқа ҳукмларда ҳам шундай.

Кул аёлнинг ўрнидадир.

Кулни хожаси мол эвазига озод қилганда, икковлари юқоридаги масаладаги хотин ва эр ўр-

нига қўйиладилар. Қулга ихтиёр ҳаққи берилади. Хожага бу ҳақ берилмайди.

Хулуъ ва бир-биридан воз кечиш икковларидан никоҳ ҳақларини соқит қиласди.

Аммо никоҳдан бошқа ҳақлар событ туради. Мисол учун, иккиси бир-бири билан савдо қилган бўлсалар, бу ишдаги ҳақлари соқит бўлмайди. Махр, нафақа каби никоҳга оид ҳақлар эса соқит бўлади.

Агар ота кичкина қизини қизнинг моли эвазига хулуъ қиласа, бу иш талоқ тушишидан бошқа нарсаларда беҳуда бўлади.

Яъни бу ҳолда талоқ тушади ва мол бериш ботил бўлади.

Шунингдек, ўша кичкина қиз эрнинг хулуъсини қабул қилганда ва отаси зомин бўлганда ҳам. Бас, мол унинг зиммасига тушади.

Яъни балоғатга етмаган қизнинг эри «Мен сени мол эвазига талоқ қиласман», деганда, бу таклифни қабул қиласа, талоқ тушади ва молни бериш қизга вожиб бўлмайди. Шунингдек, қизнинг отаси «Молни мен бераман», деб хулуъни талаб қилганда ҳам талоқ тушади. Бу ҳолда унинг отаси тўлов тўлайди. Шу сабабли қизга мол бериш вожиб бўлмайди.

*«Кифоя» китобидан олинди.*



# ОЛИМЛАРНИ ЯХШИ КҮРИШ ИЙМОН АЛОМАТИ...

Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога У Зотнинг жалолига яраша ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳ расулларининг афзали Мухаммад Мустағоға мукаммал ва тугал салавоту саломлар бўлсин!

Яқин кунларда бутун мусулмон уммати бошига тушган буюк мусибат сабабли ушбу сатрларни битишга жазм қилдик. Барчангизга маълумки, 2013 йил март ойида мудҳиш ҳолатда содир бўлган аллома Шайх Мухаммад Саъид Рамазон Бутийнинг вафотлари нафакат Сурия (Шом) аҳлининг, балки бутун дунёдаги мўминларнинг қалбини ларзага келтирди. Бу ҳақда барча оммавий ахборот воситаларида, вақтли матбуот нашрларида ва интернет тармоқларида хабар тарқалди.

Шу билан бирга, Суриянинг ўзида ҳам, бошқа кўпгина давлатларда ҳам у кишининг вафотлари, айниқса бу вафот портлатиш натижасида содир бўлгани жуда катта шов-шуввларга сабаб бўлди. Шайх Мухаммад Саъид Рамазон Бутийни яхши билган, шахсан таниган ва буюк олим деб эътироф этган, бу мусибатдан қаттиқ қайғуга тушгандар билан бирга, ушбу ҳодисадан хурсанд бўлганлар, у кишини қоралаганлар, ўзи шундок ҳам фитналарга тўла замонда яна янгитдан фитна чиқармоқчи бўлган кишилар ҳам топилди.

Кимлардир «Олим ўлди, олам ўлди», «Динимизда то қиёматгача тўлмайдиган ёриқ пайдо бўлди», дея мотамга чўмган бўлса, кимлардир шундан ҳам ўз максадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишди. Динимизда тирикларнинг ҳам, ўликларнинг ҳам ортидан фийбат, тухмат килиш тақиқланганига қарамай, у кишига ҳаётлик чоғларида таъна тошлари отиб юрганлар вафотларидан кейин яна ҳам кутурив кетишли. У киши вафот топган ҳолатнинг ўзида қолганлар учун буюк хикмат ва ибрат борлигини бу кимсалар қаёқдан ҳам билишарди...

Бизлар ҳали тирикмиз, оқибатимиз қандай бўлишини, олдинда бизларни қандай синов ва имтиҳонлар кутиб турганини ҳеч биримиз билмаймиз. Қай биримизга шундай ҳолатда – Аллоҳнинг уйида, Аллоҳнинг қаломидан таълим беражада чоғда, Қаломуллоҳни кўксига босганча, масжид меҳробида, умрининг охирги дақиқаларида ҳам Аллоҳнинг



каломини тафсир қилаётib вафот этиш насиб қилар экан!?

Амаллар хотимасига кўра баҳоланади. Бундай гўзал хотима, бунинг устига, у кишининг хоинлар томонидан хиёнаткорона шаҳид этилишлари сизу бизга ўтган саҳобаларнинг, халифаларнинг ўз давридаги фитналар курбони бўлганларини, уларга нисбатан уюштирилган сунқасд туфайли шаҳид бўлган пайтларидағи ҳолатларини эслатмаяптими? Ўша замонларда буюк саҳобаларга қилич кўтаришга хадди сиққан нобакорларнинг асл мақсадлари нима бўлганлиги тарихдан маълум. Уларнинг кимлиги ва улар келтириб чиқарган фитналарнинг сабаби ҳам энди сир эмас...

Энг ачинарлиси, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг саҳобаларига қандай озор беришган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг издошлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меросҳўрлари бўлган уламоларга, саҳобаларнинг издошларига ҳам худди шундай озор беришда давом этаётганлари. Ундан ҳам аянчлиси, улар бу ишларида ўзларини ҳақ деб билишлариdir.

Олимларни беҳурмат қилиб, таъна тошларини отаётганларнинг аксари ўзлари шаръий илмлардан беҳабар ёки хабари бўлса ҳам, олимлар билан мунозарага киришишга, уларнинг хатоларини топишга курби етадиган даражада илмга эга бўлмаган чала-саводлар экани ҳам кўпчиликка маълум. Эътибор

## ОХИРАТ

бериб қарасак, уларнинг сўзларида дин, охират қайғусидан кўра кўпроқ бу дунёниг ғами, ҳокимиятга эришиш орзуси, риёсат, молу-мулк қайғуси ғолибдек туюлади. Уларнинг ўзларига синчиклаб назар соглан, сўзларига дикқат билан қулоқ соглан ақл эгалари у нобакорларда охиратдаги ўз ҳолига қайғуришдан кўра бировларнинг бу дунёдаги ютукларини, динда, илмда ўзиб кетаётганларини кўролмаслик, ўзлари етиша олмаётган обрў-эътибор ва ҳокимиятга нисбатан ҳасад, кин-адоват ва аламзадалик кайфияти кучлироқ эканини сезишлари мумкин.

Куръон оятлари ва хадиси шарифлардан ҳам ўзларининг нафсларига, мақсадларига мувофиқ келганини ёдлаб олиб, зоҳирий кўринишига қараб ҳукм чиқарувчи бу «олим»ларнинг асл мақсадлари нима эканини динни чуқур билган, ҳақиқий раббоний олимлар жуда яхши билишгани ва ҳар қадамда уларнинг нотўғри ақийда ва қарашларини танқид қилиб, фош қилиб келишгани учун ҳам уларни ўз мақсадлари йўлидаги энг катта тўсиқ деб биладилар.

Шунинг учун ҳам имкони туғилди дегунча, уларга тухматлар қилиб, қилган ва қилаётган ишларини нотўғри талқин этиб, омма ўртасида обрўларини тўкиш пайида бўлишади. Чунки оддий оми ҳалқ кўрмаётган ҳақиқатларни кўра оладиган ва одамларга тўғри йўлни кўрсата оладиган олимлар бор жойда улар ҳеч қандай мақсадларига эриша олмасликларини яхши билишади.

Умрида бирор бир диний китоб ёки бир оддий мақола ҳам ёзмаган, низомли бир диний таълим кўрмаган кишиларнинг дин олимлари қилаётган ишлари ва илмлари ҳақида баҳс юритишлари ва кўпчилик кишиларнинг «Ҳақиқат мана бу ёқда экан» дея уларнинг ортидан эргашиб кетиши динимиздаги энг катта оғатлардан биридир.

Умрени Аллоҳнинг динини олий қилиш йўлида сарфлаган, шу йўлда соч-соқоллари оқарган, кўз нурларини, қувватларини сарф қилган мўътабар уламоларни танқид қилишга, ҳақорат қилишга, уларга тухмат қилишга хадди сиғиб, ақллилик қилаётган кимсалар охиратда ўзларининг ҳоли не кечиши ҳақида йўлаб ҳам кўрмайдилар.

Уларнинг ўзлари айблаётган олимларининг китобларини ўқимаганини, маъruzаларини тингламаганини, тутган йўллари ва қилган ҳизматлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслигини гапларидан ҳам билиб олиш мумкин. Чунки инсон билмаган, танимаган, тушунмаган нарсасини инкор этишга мойил бўлади. Бу гўё мўминлар Аллоҳни қалблари или таниган чоғларида кофирлар қалбларидаги муҳр туғайли бу баҳтдан бенасибликлари кабидир.

Ёки саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи васалламни Аллоҳнинг Расули дея тан олган бир пайтда мушриклар қалб кўзлари кўрлиги сабабли У Зотдаги илоҳий нурни кўрмаганлари кабидир...

Аллоҳ таолонинг Ўзигагина аён бўлган ҳикматга кўра илм йўлига кириб қолган, лекин асл табиати бузук бўлган бундай кимсалар Ислом дини номидан гапирадилар, ўзлари Куръон ва Суннатга амал қилаётганларини даъво қиласидилар. Лекин Аллоҳ таолонинг **«Албатта, мўминлар биродардирлар. Бас, икки биродарингизнинг ўртасини ислоҳ қилинг»** (Хужсурот сураси, 10-оят) деган оятига хилоф қиласидилар. Кишилар орасида ихтилоф чиқариб, мусулмонларни мушрикка ва ҳатто кофирга чиқарадилар.

Фиқҳий мазҳабга эргашган мусулмонларни эса **«Куръон ва Суннатни тарқ этиб, ўзларига ўҳшаш бир инсоннинг айтганига амал қилишмоқда»**, дея айблайдилар. Мусулмонларни кофирга чиқарувчилар ва мазҳабларни инкор қилувчилардан безган ва уларнинг кирдикорларини фош қилиб, омманинг кўзини очишга бел боғлаган гайратли мусулмон олимларни эса Ислом таълимотларини тўлиқ етказмаслиқда айблайдилар. Уларга турли тухмат тошларини отадилар. Ўзлари тўқиб чиқарган ва нафслари рози бўладиган ёмон сифатлар билан уларни қоралайдилар ва энг хатарлиси, уларга суиқасд ўюштиришдан ҳам тоймайдилар.

Лекин ўзлари бошлиқларининг гапига сўзсиз итоат этадилар, фақат устозларининг сўзларини тан оладилар. Ўзларидан бошқани адашганлар деб ҳисоблайдилар. Энг хатарлиси ҳам шу, чунки ўзидан бошқани адашган деб билувчи тоифалар бор экан, бу уммат учун бошка душманнинг кераги йўқ!

Ҳеч бир динда, ҳеч бир миллатда, ҳеч бир ҳалқда олим инсонни ўлдирмаслар, фақатгина хуруж ахлигина бу ишга журъат эта олар экан. Кейин эса бу жиноятларини хаспўшлаш учун жонига қасд қилгани етмагандек, ўзларининг қилмишларини оқлаш мақсадида уларга вафотларидан кейин ҳам бўхтонлар ёғдирадилар. Уламоларнинг дин учун қилган барча яхши ишларини бир четга суриб кўйиб, уларнинг фикрий ижтиҳодларига қараб, улар ҳақида ҳукм чиқарадилар. Ҳатто мушрик деб аташгача борадилар. Ваҳоланки, ўзларининг амаллари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам даврларидағи мушрикларнинг мунофиқларнинг амалларидан фарқ қilmайди.

Мусулмонлар орасида фитна чиқарган ва чиқараётган тоифаларнинг ҳолига ва тарихига назар солсак, улар доимо аҳли Исломга осилиб келганининг гувоҳи бўламиз. Бошқа диндагилар ва кофирлар билан иши ҳам бўлмайди, балки баъзи ҳолатларда улар

билин ҳамкорлик ҳам қилади. Ўзларининг асл мақсадларини яшириш учун кўпроқ Исломдаги амалларнинг зоҳирига эътибор беришади.

Уларнинг аксариятида тамагирилик, ҳокимиятни қўлга олишга кучли интилиш, билимсизлик сифатлари яқол кўринади. Уларга ташқаридан қарасанг, амалларининг, гапларининг гўзаллигидан ҳайратга тушасан, лекин яқинроқ келсанг ёки нафсларига ёкмайдиган бирор гап айтиб кўйсанг, Исломни топишларидан аввал гуноҳ ва маъсиятларга ботиб юрган, тарбия кўрмаган, ахлоқсиз шахслар бўлганликлари маълум бўлиб қолади. Ҳозиргина Куръон оятлари, ҳадиси шарифлар дур каби тизилиб чиқаётган оғизларидан фаҳш гаплар ҳам, фийбату бўхтонлар ҳам отилиб чиқаётганини кўриб, хайрон коласан.

Бундайлар ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар: «...Сизлардан бирингиз уларнинг намози олдида ўзининг намозини, рўзаси олдида ўзининг рўзасини ҳақирсанайди. Улар Аллоҳнинг Китобини кўп тиловат қиласидилар. Аммо у уларнинг бўғизларидан нарига ўтмайди. Улар ахли Исломни қатл қиласидилар ва ахли бутларни тарқ этадилар. Улар Исломдан камондан ўқ чиққандек чиқасидилар...» (Икки шайх ва Термизий ривоят қилишиган)

Мана шундай фитналарга тўла замонда яшар эканмиз, юкорида зикр қилинган ҳолатларга дуч келган пайтларда айтилаётган сўзларнинг қай бири ботил ва қай бири ҳақиқатлигини билмай, иккиласиб қолиш ҳам мумкин. Ҳар қайси тараф ўз фикрини кувватлаш учун оят ва ҳадислардан далиллар келтириши эса вазиятни тамоман чигаллаштиради...

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

«Қачонки уларга эминлик ёки ҳақ тўғрисида бир иш – хабар етса, уни ҳар қаёққа тарқатурлар. Агар уни Расулга ва ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилгандарида эди, улардан ишнинг негизини биладиганлари уни англаб етар эдилар» (Нисо сураси, 83-оят).

Бу ояти карима биз мусулмонлар бирор хабарни эшитган пайтимизда ўзимизни қандай тутишимиз кераклигини кўрсатмоқда. Мусулмон уммати ичидаги бирор ҳодиса рўй берса, ҳар ким ўз фикрини айтишга, билиб-билмай бу ҳақда ҳамма ёкка хабар тарқатишига шошилмаслиги лозим. Бундан мусулмонларга фойда борми, зарар борми, аввало шуни ўйлаши керак. Акс ҳолда мусулмонлар ичидаги ғулғула, келишмовчилик тарқалиши, бу эса мусулмон уммати орасида ихтилоф чиқариш, уларнинг сафини бузиш ва заифлаштириш пайида юрган душманлар учун айни муддао бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларида мусул-

монларга бирор ишнинг хабари етса, у кишининг ўзларидан сўраб олишар, у зот соллаллоҳу алайҳи вассаллам нима қилиш кераклигини англатар эдилар. Ҳозир эса бундай ҳолатларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ворислари бўлган уламоларга, ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилишлари лозим. Улар ҳар бир ишнинг негизига етиб боришида ва уммат фойдали йўлни кўрсатишиади.

Мусулмон одам бирор гапни айтишда эҳтиёт бўлиши, мусулмон уламоларга нисбатан бўхтон тўқишидан сақланиши лозим. Миясига бошқа фикр келиб қолган жоҳилга ёки бирор хабарни эшитиб олган кишига дарҳол ишониб кетавермаслиги, балки аҳли илмлардан бунинг тўғри ёки нотўғри эканини сўраш лозим.

Энг муҳими, мусулмонлар ҳақида, айниқса, олимлар ҳақидаги ёмон гапларга аралашиш ўқда турсин, улар ҳақида ёмон гумонга боришидан ҳам эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки мусулмон ҳақида имкон қадар яхши гумонда бўлиш, шунингдек, уламоларни хурмат қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибdir.

Ким бўлишидан қатъи назар, вафот этган инсонни орқасидан ёмонлаш яхши эмас. Мусулмонлар эса тирикнинг ҳам, ўлганнинг ҳам ортидан факат яхши гап айтишга буюрилган умматдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Вафот топганларингизнинг яхшиликларини зикр қилинг, уларнинг ёмонликларидан тийилинг», дедилар (Абу Довуд ривоят қилган).

Биз мусулмонлар орасида ҳукм қилувчи Куръон ва Суннат бор, улар асосида Ислом таълимотларини етказувчи олимлар бор. Уларга эргашсак, нажот топамиз, иншаалоҳ!

Ўз шахсий фикрини устун қўйиб, нафсининг гапига кириб, Аллоҳнинг фазли ва марҳаматидан бенасиб ҳолда, шайтонга эргашиб юрганларнинг охиратдаги ҳоли нима бўлиши ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзига аён.

Тавфиқ Аллоҳдан, олимларни яхши кўриш иймон аломати, уларни кўриш эса нифоқ аломатидир.

Аллоҳим! Ўтган уламоларимизнинг барчаларини Ўз раҳматингга олгин! Қолган олимларнинг умрларини узоқ қилгин ва умматнинг баҳтига саломат килиб, Ўз паноҳингда асрагин! Омин!

Малоҳат Анвар тайёрлади.

# САВОЛ-ЖАВОБ

## Саволларга Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф хазратлари жавоб берадилар.

### АЁЛ ЭРИГА ИТОАТ ҚИЛМАСА

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! «Нисо» сурасида аёл киши айтганин қилмаса, унга насиҳат, ундан кейин жойини алмаштириш, кейин уриш чораларини құллаш айттылган экан. Агар мана шу ҳолатларда ҳам аёл эрига итоат қилмаса, қандай чора құллашни маслаҳат берасиз?

**ЖАВОБ:** Икки тараф қариндошлардан ҳакам таин қилиб, масала ўртага қўйилади.

### ҚЎЛ ВА ОЁҚДАГИ ТУКЛАР

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Ҳазрат, сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Ҳазрат, баъзи бир аёл ва қизларнинг оёқ ва құлларида жуда ҳам кўп тук ўсади, ана шуларни олиб ташлашга Ислом нима дейди? Бу ҳолат Аллоҳнинг яратганини ўзgartиришга кириб қолмайдими? Жавобингиз учун раҳмат.

**ЖАВОБ:** Жоиз.

### ЭРКАК КИШИНИНГ ТУГРУҚХОНАДА ИШЛАШИ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Устоз. Бир шифокор акамизнинг илтимосига кўра савол бермоқчи эдим. У киши болалар шифокори бўлиб ишлайди. Бошлиғи «Тугруқхонада ҳам ишлайсан» деб мажбуrlаяпти экан. Бир-икки марта ишдан бўшашга ҳаракат қилибди. Фойда бермабди. Бир марта бориб, ишлабди ҳам. Айтиши бўйича ўшанда еттига бемор келибди, фақат оғир аҳволда келган икки аёлнинг олдига кириб, уларнинг саломат қолишларига сабабчи бўлибди. Шариатда бунга рухсат берадими, деб сўрайяпти. Кўп биродарлар сизга кўп ташаккурлар айтишмоқда ва сизни дуо қилишмоқда.

**ЖАВОБ:** Аёл доялар эплай олмай, беморни ўлимдан сақлаб қолиш керак бўлган ҳолдагина рухсат бўлади.

### НОМАҲРАМЛАРГА САЛОМ БЕРИШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Ҳазрат. Биз биламизки, бир нечта ҳадисларда саломлашишга буйруқлар бор. Шу сабабли баъзан кўчада номаҳрам таниш эркакларга дуч келганда иккиланиб қоламиз. Уларга салом бермай ўтиб кетишни истайман. Лекин Пай-

ғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадислари эсимга тушиб, салом бераман. Шундай эркаклар ҳам борки, рўмолли, ҳижобли аёлларга ҳам шахват назари билан қарашади. Шундай пайтларда кўнглимиз ҳижил бўлади. Бу ҳолатда қандай йўл тутсак бўлади?

Олдиндан раҳмат, Аллоҳ рози бўлсин!

**ЖАВОБ:** Охирги мулоҳазангиз юзасидан ёш аёллар эркакларга салом бермаганлари афзал кўрилади.

### СОЧ АЙРБОШЛАШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух. Ҳурматли Шайх ҳазратлари. Бир саволим бор эди. Маълумки, аёллар соч тараганда ёки ювгандада соч толалари тароқда қолади. Шу соч толаларини лўлиларга бирор буюмга айрбошлаш жоизми? Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат.

**ЖАВОБ:** Жоиз эмас.

### МАҲРАМИ ЙЎҚ КИШИНИНГ САФАРИ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Устоз. Ҳали турмушга чиқмаганман. Узоқ юртга сафарга маҳрамсиз бориб бўлмаслигини билиб, араб давлатларида шифокор бўлиб ишлайдиган опамнинг болаларига бориб қарашдан бош тортдим. Онам бундан норозилар, нима қилишга ҳайронман. «Ўзим кетаман», деб кўрқитяптилар. Оиламизда маҳрам йўқ. Яқинда у ерга бориб келдим, деярли кўчага чиқмадим, лекин барибири мумкин эмас экан-ку?! Менга нима маслаҳат берасиз?

**ЖАВОБ:** Опангизнинг маҳрами бўлса, сиз опангиз билан борсангиз бўлади.

### УЗРЛИ ҲОЛАТДА ДУО ЎҚИШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, ҳурматли Устоз. Аёл киши ҳайз кўрган вақтларда Қуръондан эмас, балки Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам таълим берган дуоларини ўқиса бўладими? Масалаң, эрталаб таҳоратдан кейин ўқиладиган дуолар, бўғимларнинг садакаси сифатида ўқиладиган дуолар. Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бўлади.

«Зикр аҳлидан сўранг» веб-саҳифасидан олинди.

## ХАФСА БИНТИ УМАР РОЗИЯЛЛОХУ АНХО

Хафса онамизнинг оталари иккинчи халифа Умар розияллоху анху, оналари эса Зайнаб бинти Мазъун ҳам машхур хонадондан бўлиб, саҳобий Усмон Мазъун розияллоху анхунинг синглисицирлар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда ҳазрати Умар розияллоху анху:

«Ҳафса Набий соллаллоҳи алайҳи васалламнинг пайғамбар этиб юборилишларидан беш йил олдин, Қурайш Байтни қураётган пайтда туғилган», деган.

Ҳафса эс-хүшини таниганидан бошлаб, исломий мухитда ўсдилар. Умар розияллоху анху Исломга келгандаридан кейин у кишининг уйлари Маккадаги дин таянчларидан бирига айланган эди.

У киши оила куриш ёшига етганларида Хунайс ибн Хузофа Саҳмийга турмушга чиқдилар. У кишининг турмуш ўртоқлари ҳам Исломга аввал кирганлардан эди. Ҳижратнинг иккинчи иили Хунайс ибн Хузофа Саҳмий Бадр жангига иштирок этдилар. Душманнинг кўпчилик бўлиб қилган хужумлари оқибатида Хунайс кўп жароҳат олдилар ва мазкур жароҳат туфайли вафот этдилар.

Ўша вақтларда эр томон уйланиш учун аёл излар, аёл томондан аввал гап чиқиши уят ҳисобланар эди. Аммо қизи бева қолган Умар ибн Ҳаттоб ўзлари Ҳафсага муносиб киши ахтара бошладилар.

Ҳазрати Усмонга: «Менинг қизимни ол», деб илтинос қилган эдилар, рад жавобини олдилар. Аммо Умар розияллоху анху бу билан кифояланмадилар. Абу Бакр розияллоху анхунинг олдиларида бориб, Ҳафсага уйланишни таклиф қилдилар. Абу Бакр розияллоху анху ўзларини ғалати тутдилар. «Ҳа» ҳам демадилар, «Йўқ» ҳам демадилар. Бу ҳолат Умар розияллоху анхунинг аччиқларини чиқарди. Лекин кўп ўтмай, энг муносиб, энг яхши, энг улуғ куёв топилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳи алайҳи васалламнинг ўзлари Ҳафсага уйланиш истагини билдирилар ва уйландилар.

Ана шундан сўнг Абу Бакр розияллоху анху ўзларининг ғалати тасарруфлари сирини очдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳи алайҳи васалламнинг Ҳафсага уйланиш ниятлари борлиги ҳақидаги гапларни эшитган эканлар. Буни Умар розияллоху анхуга айттолмас эдилар. Чунки бу Пайғамбар соллаллоҳи алайҳи васалламнинг шахсий сирлари ҳисобланарди.

Ҳафса бинти Умар розияллоху анхо нубувват хонадонига янги аъзо бўлиб келгандарida у ерда Савда онамиз ва Оиша онамиз бор эдилар. Умар розияллоху анху кизларига Расуллурроҳ соллаллоҳи алайҳи васалламнинг ҳеч қаҷон гап қайтармасликни тайинлар эдилар.

Ҳафса онамиз оталарининг юқоридагига ўхшаш насиҳатларига амал қилиб, нубувват хонадонида яхши

яшай бошладилар. Расуллурроҳ соллаллоҳи алайҳи васаллам Ҳафса онамизнинг қобилиятларини ва ушлаган нарсасини узиб оладиган одатлари борлигини эътиборга олиб, ўзлари берган тарбиядан бошқа турли керакли нарсаларни бошқа одамлардан ҳам ўрганиб олишларига эътибор берар эдилар.

Пайғамбар соллаллоҳи алайҳи васаллам бир марта Ҳафса онамизни талоқ қилганлар, аммо бу иш Ҳафса онамизнинг обрўлари ортиши билан яқунланган.

Имом Абу Довуд ва Насайй Умар розияллоху анхудан ривоят қиласидилар:

«Пайғамбар соллаллоҳи алайҳи васаллам Ҳафсани талоқ қилдилар, сўнгра унга ражъат қилдилар (қайтдилар)».

Расуллурроҳ соллаллоҳи алайҳи васаллам Ҳафса онамизга у кишини талоқ қилганларидан кейин қайтишлари Аллоҳ таолонинг амри илиа бўлган. Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, Аллоҳ таоло у зотга вахий юбориб:

«Ҳафсага ражъат қил, у кўп рўза тутувчи, кечаси кўп намоз ўқувчи аёлдир, у жаннатдаги хотинингдир», деган.

Албатта, Аллоҳ таоло томонидан Расуллурроҳ соллаллоҳи алайҳи васалламга Ҳафса онамизнинг фойдаларига бу маънода амр бўлиши у кишининг фазлларига фазл қўшди.

Ҳафса онамиз розияллоху анхо Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган ва унинг илмларини биладиганлардан бўлганлар. У киши ўша вақтда жуда кам одамларга насиб қилган ёзиш ва ўқиш фазлига ҳам эга бўлганлар.

Ҳафса онамиз розияллоху анхо фикҳда ҳам қўли узун кишилардан ҳисобланганлар. Ҳатто оталари Умар розияллоху анху ҳам у кишидан баъзи масалаларни сўраб турганлар.

Ҳафса онамиз розияллоху анхо ҳадиси шарифларни ривоят қилишда Оиша онамиз, Умму Салама онамиз ва Маймуна онамиздан кейин тўртинчи ўринда турадилар. У киши олтмишта ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳафса онамиз розияллоху анхо ҳижрий кирқ бешинчи сананинг шаъбон ойида олтмиш ёшда вафот этдилар.

У кишининг жанозаларини ўша вақтдаги Мадина-нинг амири Марвон ибн Ҳакам ўқиган. Ҳафса онамиз розияллоху анхонинг тобутларини Абу Хурайра розияллоху анху кўтаришиб борганлар. У кишининг Бакийъдаги қабрларига укалари Абдуллоҳ ва бошқа махрамлари тушишган.

Аллоҳ таоло Ҳафса онамиз розияллоху анхудан рози бўлсин!

«Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан олинди

**Б**угунги кунда айрим ҳомиладор аёллар Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиб, ўз хоҳишлари биланми ёки яқинларининг талаби биланми, хали дунёга келмаган норасидаларини нобуд қилишмоқда. Ҳомиланинг жинсини аниқлаш мумкин экан, бу ҳомила жажжи инсон бўлди, деганику ахир! Унда эркаклик ёки аёллик жинсининг шакллангани шунга далолат қиласди. Мусулмон киши учун мусулмоннинг қони, моли ва обрўси ҳалол эмас. Ҳатто у ота ёки она бўлса ҳам, унда фарзандини ўлдиришга ҳақ йўқ.

Исломдан аввал араблар қиз фарзанддан ор қилиб, уларни тириклай кўмишар эди. Бу накадар жоҳиллик! Инсон ҳатто ҳайвонни ҳам тириклайн кўмишга журъат эта олмайди. Ўз жигарбанди бўлмиш фарзандини тириклай кўмган тошбағир маҳлукотни одам деб аташ мумкинми?!

Бугунги кунда қорнидаги тирик боласини ўлдираётганлар жоҳилиятдаги араблардан ҳам ўтиб тушдилар. У даврда-ку, ҳали Ислом келмаганди, жоҳил кишилар ўз тушунчаларига кўра қиз фарзанддан ор қилар, шу сабабли уларни тириклай кўмишар эди. Аммо ўша ор қилаётган фарзандларига бир неча йил ёруғ дунёда яшаш имконини берардилар.

Албатта, уларни оқлаш фикридан тамомила йироқмиз, бу мисолни қиёс учун келтиряпмиз, холос. Қиёс қилганда ҳам, уларни бугунги куннинг мусулмонлари билан қиёслаяпмиз! Ўзи мусулмонликни даъво қилувчи, ота-бобоси мусулмон бўлиб ўтган, мусулмонлар жамиятида яшаётган кишилар билан қиёслаяпмиз! Улар жоҳилият давридаги араблар каби, фарзандларини тириклай кўмишмаяпти. Балки бундан-да вахшийроқ қотилликни қилишмоқда. Дунёга келмаган жажжи инсонни ҳомила пайтидаёқ қийма-қийма қилиб ўлдирмоқдалар! Кимнинг қилмиши оғирроқ ва жазога лойиқ экани очик ойдин аён бўлиб турибди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Исро сурасининг 31-оятида марҳамат қиласди:

**«Фақирликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдираманг. Биз уларни ҳам, сизларни ҳам ризқлантирамиз. Албатта, уларни ўлдириш катта ҳатодир».**

Хозирда ҳам учта-тўртта боласи бор оиласарда «Шунча болани қандай боқиб катта қиласмиз, улар улғайгач, уй-жой қилиш керак», деган баҳоналар билан туғилмаган гўдакнинг жонига қасд қилиш холлари учраб турибди. Буларнинг ҳаммаси Исломга амал қилмаслик, Аллоҳдан қўрқмаслик, шариат ҳукмларини билмаслик оқибатидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам марҳамат қилиб айтадилар: **«Бир мусулмоннинг ўлдирилиши Аллоҳнинг ҳузурида дунёнинг заволидан ҳам оғирроқдир».**

Сўзимиз сўнгидаги барчани Аллоҳга тақво қилишга чақирамиз, тавфиқ Аллоҳдандир.

*Ғиёсиддин Муҳаммад Юсуф*



Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд дунёning илм-фан марказига айланди. Ўрта Осиё ва Шарқ шаҳарсозлигининг барча нодир хусусиятлари унинг меъморчилигига намоён бўлди.

Маълумки, Афросиёб Самарқанднинг қадимий масканларидан бири. Ана шу масканнинг энг олис тарихга дахлдор қисмларидан бири Шоҳи Зиндадир. У 22 гектар майдонни эгаллади. Ушбу тарихий ёдгорликнинг Ислом олами учун энг аҳамиятли томони шундаки, бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббоснинг қабри мавжудлигидадир. Шундай экан, Қусам ибн Аббос ҳакида бироз маълумот олиш фойдадан холи бўлмас.

Саҳоба Қусам ибн Аббос ибн Абдулмутталиб Ҳошимий розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга амакивачча бўлиб, Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳунинг ўғли ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг укасидир. Тахминан хижрий 2

сана, милодий 624 санада туғилган. Кўринишидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга жуда ҳам ўхшаб кетар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қусам розияллоҳу анҳуни уловда орқаларига мингаштириб юрганлари ривоятлардан машҳурдир.

Онаси Умму Фазл розияллоҳу анҳу Имом Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳуни эмизгани учун улар эмиқдош ҳисоблашибади. Уммул Фазл Лубоба бинти Ҳорис Ҳилолия розияллоҳу анҳо уммул мўминин Маймуна онамизнинг синглиси бўлиб, Маккада Ҳадича розияллоҳу анҳодан кейин биринчи мусулмон бўлган аёлдир.

Қусам розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида, у зотнинг муборак жасадларини ювиш ва дағн этишда қатнашган ҳамда қабрга қўйиб, лаҳаддан энг охирги бўлиб чиққан эди.

Қусам розияллоҳу анҳу ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг буйруғи билан Макка ва Мадинага волий бўлган.



Қусам розияллоҳу анҳу умавийларнинг биринчиси Муовия ибн Абу Сүфён розияллоҳу анҳу даврида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ўғли Саид розияллоҳу анҳу билан Самарқандни фатҳ қилишга боради ва ҳижрий 57 йил, милодий 677 йил ўша ерда шаҳид бўлади.

Хилхона Қусам ибн Аббоснинг тахминий қабри атрофида XI асрда бунёд этилган. Афсоналарда айтилишича, Қусам ибн Аббоснинг кўшини намоз пайтида кофирлар томонидан қириб ташланган. Унинг ўзи Аллоҳнинг иродаси билан очилган меҳроб ичига кириб, омон қолган. Шунинг учун хилхона Шоҳи Зинда – «Тирик Шоҳ» номини олган.

Машҳур фиқҳунос аллома Утбий «Саҳиҳи Бухорий шарҳи», тарихчи Абу Абдуллоҳ «Тарихи Нишопур» асарларида бу ерда қадимда Бану Ножия номли қабристон бўлганлиги, кейинчалик унга Қусам ибн Аббос майити кўмилгани ҳакида маълумот берадилар. IX-XII асрларда тарихчилар Ибн Ҳавқал, Саолибий, Ёқут Ҳамавий, Истаҳрий ўз асарларида бу ерда қабристон ва Қусам ибн Аббос қабридан бошқа масжидлар, мадрасалар барпо этилганлиги хусусида ёзадилар. Лекин урушлар натижасида уларнинг аксарияти бузилиб кетган. XIV-XVI асрларда Амир Темур ва темурийлар даврига келиб, Шоҳи Зинда ниҳоятда обод ва маҳобатли масканга айланди.

Абу Тоҳир хожа Самарқандий «Самария» асарида бу ҳақда шундай маълумот беради: «Амир Темур Кўрагоннинг подшоҳлиги вақтида ушбу мозор иморат қилиниб, турли безаклар билан беzaтилди. Унинг хотин ва сингилларидан бир нечаси ва баъзи амирлар унга ўринлар белгилаб, ўзлари учун турбатлар ва даҳмалар ясатиб, уларнинг устига буюк-буюк бинолар солдиргандирлар. Ложувард тусли фалак дунё юзига томоша кўзини очганидан буён бунга ўхшаш гўзал ва бе-закли иморатларни кўрмаган».

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси Самарқанд тарихининг муҳим бир қисми. У шаҳарнинг милодий асрнинг бошларидан то XVII асрга қадар кечмишини акс эттиради. Бу ерда салкам 20 асрлик тарих мужассам. Аммо шундай бой тарихга

эга ёдгорликлар кейинги 500-600 йил давомида эътибордан четда қолган. Натижада уларнинг аксарияти бузилиб, вайронা ҳолга келган. Шўролар даврида Шоҳи Зинда даги мақбаралар, масжидлар омборларга, савдо-сотиқ базаларига айлантирилиб, хароба ҳолга келган.

Маълумки, Шоҳи Зинда даги мақбараларнинг деярли ҳаммаси худди Амир Темур мақбараси каби устки ва остки қисмлардан иборат. Мақбараларнинг устки қисмларида зиёратчилар учун рамзий қабрлар ўрнатилган бўлиб, майитлар остки даҳмаларга кўмилган.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси илмий ходими Ҳамроқул Қаюмов шундай дейди: «Кекса усталар XIV асрда барпо этилган Хўжа Аҳмад мақбарамини қурган устанинг номи борлиги ҳакида айтишарди. Лекин биз уни ҳеч тополмасдик. Кутимаганда ана шу устанинг номи аниқланди. Унинг номи исломий тарзда ишланган гуллардан бирининг барги ичига битилган экан. Биз уни баргнинг безаклари деб юраверган эканмиз. Аждодларимиз ана шундай юксак санъат эгалари бўлишган. Ҳали бундай «тарих»лардан яна қанчасини аниқлашимиз керак...»

Бу ерда масжидлар, аркли айвонлар, тўртбурчак, кўпқирралы, айлана шаклидаги мақбаралар, турли хил баландликдаги миноралар, ўймакор қабр тошлари каби Ўрта Осиё меморчилигининг барча кўринишлари мавжуд. Ҳар бир бино, масjid ва мақбараминг қурилишидан тортиб, безалишигача ўзига хос, бир-бирини тақрорла-майди.

Қусам ибн Аббос қабри ва масжида, Туркон оқа, Туман оқа, Шоди Мулк оқа, Ширинбека оқа, Туғли Текин мақбаралари, Жоме масжида, Амирзода, Амир Бурундуқ, Хўжа Аҳмад, Қозизода Румийларга нисбат берилиувчи хилхоналар ниҳоятда гўзал ва кўркам қиёфа касб этган.

Шоҳи Зинда ансамбли таркибида 20дан ортиқ меъморий иншоотлар мавжуд.

*Ирода тайёрлади.*

## УЛАР БЕХУДА НАРСАЛАРДАН ЮЗ ЎГИРУВЧИЛАРДИР

«Батахқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар на-  
мозларида хушуъ қилувчилардир. Улар беҳуда нар-  
салардан юз ўгирувчилардир» (Мўминун сураси, 1-  
2-3 ояллар).

Албатта, ҳақиқий гавҳарни, икки дунёси учун ман-  
фаатли, саодатли йўлни излаган инсон уни илм талаб  
қилиш ҳамда унга амал қилиш билан топади. Ана  
шундагина оятда айтилган нажотга мұяссар бўлишдан  
умид қылса бўлади. Мўмин кишининг қалби лағв(беҳу-  
да нарсалар)дан умуман холи бўлиши лозим.

Инсонга берилган неъматлар ичида энг улуғи, ал-  
батта, соғлом ақл ва тафаккурдир. Соғлом ақл ва тафак-  
курга эга бўлган инсонгина дунёнинг ҳақиқий лаззати  
илмда, ҳамда унинг йўлида чекилган машаққатда экан-  
нини англаб етади. Шунинг учун ҳам илм талаб қилиш  
Ислом динида ҳар бир мусулмонга фарз қилинган ва  
илм олиш билан бирга, уни тарқатиш юксак баҳолан-  
ган. Мусулмонлар ўз ҳаётлари давомида Куръон ва  
Суннатга амал қилиб яшаган даврларида илм нурини  
бутун оламга тарқатгандар. Ёшу қари, эркагу аёл бе-  
шикдан то қабргача илм талаб қилиш фарз эканини  
тўла хис қилган ҳолда умр бўйи ўзини толиби илм хи-  
соблаб яшагандар.

Ҳозирги кунда кўпроқ илмга эмас, балки молу ду-  
нёга, ўткинчи ҳою ҳавасга берилиб, омонат умрни,  
қайтарилмас фурсатни беҳуда сарф қилиб юборяпмиз.  
Агар илм ҳақиқатини англаб етадиган бўлсақ, ҳар бир  
ечими топилмаётган муаммоларимизнинг калити илм  
ва унга амал қилишда эканини фаҳмлаймиз. Илм Ал-  
лоҳ таоло томонидан бандага ато этилган жуда мухим  
неъмат, қабрда нур бўладиган, охиратда эса амаллар  
тарозисини оғир қиласиган энг буюк бойлигимиздир.  
Шундай экан, нима учун биз ана шундай буюк саодатга  
эриштирувчи амалларга эмас, фоний дунёнинг ўткин-  
чи лағвларига берилиб кетмоқдамиз?!

Бугун маърифат қадрлими ёки мансаб, обрў қадрли-  
ми? Нафсимиз бизга чиройли кўрсатган нарса аслида  
сароб бўлган алдамчи дунёнинг матоҳлари эмасми?

Ҳадислардан бирида ривоят қилинади: «Абу Дардо  
розияллоҳу анху: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи  
васалламнинг «Албатта, ким илм талаб қилиш йўлига  
юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди.  
Фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотла-  
рини қўядилар. Олимга осмондаги зотлар, ердаги зот-  
лар ва ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар.  
Олимнинг обиддан афзаллиги ойнинг бошқа юлдузлар-  
дан афзалиги кабидир. Албатта, олимлар пайғамбар-  
ларнинг меросхўрлариридир. Пайғамбарлар динорни

ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни  
мерос қолдиранлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани  
олибди», деганларини эшилдим», деган эканлар».

Ушбу ҳадисдан англаб оламизки, илм талаби йўлида  
юрган инсонга Аллоҳ жаннат йўлини осон қилиб қўяр  
екан, ҳаттоки унга фаришталар ҳавас қилишар, еру ос-  
мондаги барча мавжудотлар толиби илмга мағфират ва  
раҳмат сўраб дуо қилишар экан. Пайғамбарларга ме-  
росхўрлик даражаси берилар экан.

Имом Байҳақий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Олим билан обид қайта тирилтирилади. Обидга:  
«Жаннатга кир», дейилади. Олимга: «Одамларнинг  
одобини гўзал тарбиялаганинг учун уларга шафоат бе-  
риш учун собит тур», дейилади», дедилар».

Муҳтарама опа-сингиллар, ҳар биримизга ушбу гў-  
зал ҳадиси шарифлардан ибрат олмоғимиз, уларни ҳаё-  
тимизга татбиқ этмоғимиз насиб этсин.

Сўзимиз якуни сифатида сизларга ушбу шеърни ҳа-  
вала этамиз:

*Ҳар бир инсон бу дунёга меҳмондир, меҳмон,  
Саҳро кезиб ўтгувчи йўловчи карвон.*

*Иймон қўлин тутмсалар, йўллар фаровон,  
Охирати саодатли, баҳтлидир ҳар он.*

*Иймонни унумтсалар, чўлларда сарсон,  
Жаҳолатга ботмоқ ҳам бўлади онсон.  
Кимлигин унумтса, адасса инсон,  
Ҳаёти япроқ каби бўлгеси ҳазон.*

*Вақтни ортга сурмоққа берилмас имкон,  
Кўзларда ёши ўрнига оқажасайдир қон.  
Жаҳолатдан ҳаттоки қизарар осмон,  
Садқаи одам кетур ҳазон каби ҳар ён.*

*Эссиз, босган йўлларинг, кезганинг тупроқ,  
Тупроқ заррасидан ҳам гуноҳинг кўпроқ.  
Сарсон бўлиб кезасан, кезасан, бироқ  
Кезган саринг манзилинг йироқ.*

*Майли, томгин, эй инсон ҳаёт лаззатин,  
Лек жойига қўй ўзганинг иззат-хурматин.  
Ўқиб, уқиб Куръонни, билгин ҳислатин,  
Ризоси учун қиласигин Ҳақнинг хизматин!*

*Мұяссар тайёрлайди.*

# ОГОХЛИК

Тилдан келадиган оғатлар кўп ва турли-туман бўлиб, улар қалбни сархуш қиласди. Одам табиатида ҳам уларга мойиллик бор. Мазкур оғатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туриш орқали бўлади. Бу жуда катта фазилатdir. Жим туриш химматни жамлайди ва фикрни софлайди.

Жим туришни билмаганлар бўлмағур нарсаларни гапириш билан бир қаторда, ўзларига зарар етказадилар ва қимматли бўлган вақтларини ҳам бехудага сарфлайдилар. Ўзи билмаган ҳолда бошқалар ҳақида уларда бўлмаган сифатларини ёки борларини ҳам орттириб гапириш орқали ўзининг ишини битириб олиш ёки одамлар олдида обрўсини ошириб олиш мақсадида дуч келган одамларга маддоҳлик қилиб юрадилар. Мадхнинг ўзи ёмон сифатлардан бўлиб, мадҳ қилувчи кишига ҳам, мадҳ қилинаётган кишига ҳам зарар етказади. Маддоҳ нафақат ўзига, бал-

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши зикр қилинди. Бир одам унга яхши мақтов айтди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча марта: «Шўринг қурсин! Соҳибингнинг бўйини кесдинг! Агар бирингиз ноилож мадҳ айтадиган бўлсангиз, «Менимча, ундоқ, менимча, бундок», десин. Агар ана шундайлиги кўрилган бўлса ва Аллоҳ унга етарли бўлса, Аллоҳга бирорни поклаб кўрсатмасин», дедилар».

Бирор ҳақида мақтов ёки оқлов сўзлар айтилганда, «Бу одам шак-шубҳасиз, ана шундай», деб бўлмайди. Ҳар банданинг кимлигини, қандайлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи билиб, хисобкитобини қиласди. Яъни бир одам бирор кишини мақтаса, уни яхши одам деб билса, у ҳақидаги мақтов сўзларни «менимча» деб айтиши керак экан, қатъий хукм қилиб, «Фалончи ана шун-

## МАДДОҲЛАРНИНГ ЮЗИГА ТУПРОҚ СОЧИЛУР

ки мадҳ қилинаётган шахсга ҳам зарар етказади. Унинг ўзига кўпроқ ишонишига, ғууррга кетиб қолишига, ўзини ҳаммадан юқори ҳис қилиб қўйишига сабабчи бўлиб қолади.

Мадхнинг ўзида олтида оғат бор. Уларнинг тўрттаси мадҳ қилувчиди, иккитаси қилинувчидадир:

1. Мадҳда ҳаддан ошиб, ёлғон қўшиб юбориш.
2. Мадҳга риёкорликни аралаштириш.
3. Маддоҳ гоҳида рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган нарсани ёки моҳиятини англаш қийин нарсани гапиради.
4. Маддоҳ золим ва фосиқ одамни мақтаб, курсанд қиласди.

Мақталган шахсдаги сифатлар:

1. Мақтов мақталган одамда кибр ва ўзини устун қўришига сабаб бўлиши мумкин.
2. Мақталган одам мақтовга учиб, ўзидан рози бўлиб, химматини йўқотиши мумкин.

Абдураҳмон ибн Абу Бакрадан, у киши отасидан ривоят қилинади:

дай» демаслиги, Аллоҳ таолога бирорни поклаб кўрсатмаслиги зарур экан.

Демак, бир киши ҳақидаги фикрларни «Менинг фикримча, менинг билишимча», деб айтиш лозим. Бир кишини бехуда мақтайвериш, бехудага кўттар-кўттар қилавериш мақталган одамнинг ўзига зарар келтиради.

Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қилинади:

«Ибн Умарнинг олдида бир киши бошқасини мақтаб қолди. Бас, унинг оғзига қараб тупроқ соча бошлади. Сўнг: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон маддоҳларни кўрсангиз, юзларига тупроқ сочинглар», деганлар», деди».

Демак, одамларнинг ғашига тегадиган, аччини чиқарадиган, шариатга, одоб-ахлоқقا тўғри келмайдиган маддоҳларга нисбатан ана шундай муносабатда бўлинар экан.

*Назокат тайёрлади.*

Кўпчилик аёллар фарзандларини одобга ўргатиш учун бақириш, тақиқлаш, ҳаттоки калтаклашни афзал кўрадилар. Аслида эса бу каби усувлар билан ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Баъзи ота-оналар ҳеч қандай наф келтирмайдиган қўпол сўзлар ва таҳдидлар билан болага ташланадилар, муаммони эса бартараф кила олмайдилар. Ҳеч қачон болангизга бақирманг ва уни урманг. Биринчидан, бундай пайтда пайдо бўладиган кўркув, кўплаб руҳшуносларнинг фикрича, болада ўраб турган дунёга нисбатан шафқатсиз муносабат шаклланишига, ҳамма нарсага куч билан эришиш мумкинлиги ҳакида тасаввур пайдо бўлишига олиб келаркан. Шунингдек, ўта қўпполлик ва ўта талабчанлик оқибатида боланинг кўз ўнгида ота-онанинг обрўси ҳам буткул тушиб кетади. Шу билан бирга, боланинг инжиқликларига эрк бериб юбориш ҳам ярамайди. Чунки бу унинг ўзи истаган нарсагага ҳар доим айнан шу усул билан эришишга ўрганиб қолишига омил бўлади.

Шунинг учун биринчи бўлиб унинг инжиқликларининг сабабини аникланг. Агар бола ноҳақ бўлса, унда кўркув хиссини уйғотмасдан, фақатгина мулзам қилинг, хотиржамлик билан танбеҳ беришга ҳаракат қилинг. Болалар аҳамиятли сабаб бўлгандагина инжиқлик қила бошланишини эсингизда тутинг. Болаларда кузатиладиган инжиқликнинг кўйидаги сабаблари мавжуд:

1. Ўзига атрофдагиларнинг эътиборини жалб қилиш истаги. Эътибор болалар учун ҳаётини зарурат ҳисобланади. Атрофдагилар билан алока узилса, эътиборни хис қилмай кўяди. Шунинг учун ҳаттоки катталар томонидан қилинадиган салбий муносабат ҳам унга эътиборсизликдан кўра яхширок.

2. Шунчаки бирор нарса ҳақида сўраш ёки кимни-дир чакиришнинг бошқа усувларини билмаслик. Болакайда чакалоқлигидан фақатгина давомли чинқиришдан сўнг унинг олдига келишлари ва куймалана бошлашлари билан боғлиқ рефлекс шаклланган бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли у қичқиришдан онгизиравишида «курол» сифатида фойдалана бошлайди.

3. Болалар ўз хис-туйгуларини катталар каби яхши назорат эта олмайдилар. Шу сабабли инжиқлик бутунлай «табиий» сабабларга, яъни болакай оч қолгани, чарчагани, ҳожатни хоҳлаганига қараб пайдо бўлиши мумкин...

Инжиқликнинг ҳақиқий сабабини билмасдан туриб, бирор-бир чора кўришга шошилманд. Агар болакай қулоқ солишини умуман хоҳламаса ва жазавага тушиб қолиб, оёқ-қўллари билан ер тепина бошласа, уни бақириш ва танбеҳларсиз тинчлантиришнинг битта яхши усули мавжуд: индамаслик ва бошқа хонага чиқиб кетиш. Ишонинг, бу бола учун жуда катта жазодир. Довдираф қолган болакай тез орада олдингизга чопиб келади ва шубҳасиз, қандайдир саволларни бера бошлайди. Токи ўзи хатосини англаб етмагунича ва уни тузатмагунича, унга эътибор қилмасликка ҳаракат қилинг. Бола буни албатта қиласди, чунки болалар улар билан яна гаплаша бошлашлари учун ҳамма нарсага тайёр бўлишади.

Балки, «Қандай қилиб уни урушиб бўлмайди, ахир унга бир нарса юз марта айтиса ҳам, барибир қулоқ солмайдику?!» дерсиз.

Бу муаммога бошқа томондан ёндашишга ҳаракат килинг. Биринчидан, болаларга бирор нарса қилинши асосиз тақиқлаш керак эмас, чунки гўдаклик чоғларида улардаги дунёни англаш истаги жуда кучли бўлади. Агар сиз, масалан, «Бармоғингни розеткага тиқма», деб айтсангиз, болакайда шу заҳотиёқ кучли қизиқувчанлик уйгонади. У бу ерда қандай қизиқ нарса борлигини билишни истаб қолади.

Аммо болаларни ортиқча кўркитиши ҳам керак эмас. Бунда фобия (бирор нарсадан қўркиш касаллиги) ривожланиши мумкин. Бинобарин, сиз болакайга электр токи нима экани ва унинг қанчалар хавфлилигини тушунтира олмас экансиз, бу вазиятларда бошқа усувларни танлашга тўғри келади. Болакайнин чалғитиши, маълум воситалар унинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солган тақдирда эса, уларнинг олдига боришга шунчаки имкон бермаслик керак, холос.

Таъсир қилишнинг яна бир усули – болакайда раҳмдилликни уйғотишидир: «Илтимос, қанд қоғозини ердан олгин, бўлмаса мен хафа бўламан, йиглайман» каби. Жуда бўлмаса, унинг устидан кулиш ёки бундай дейиш керак: «Агар сен тирнокларингни тишлайверсанг, ҳамма устингдан куладиган бўлади». Шубҳасиз, болакай ўйланиб қолади ва энг муҳими, хатосини тузатади.

Ҳамма оналар ўз болаларининг баҳтиёр бўлишларини истайдилар, кўплари ўз болаларини эркалайдилар, кимлардир эса болалар билан доим кўл ушлашиб юришади. Аммо ота-оналарнинг бу мумаласи болакайга яхши таъсир этиши даргумон. Болакайни гўдаклигидан ўйинчоклар ва ширинликлар билан кўмиб ташлаш ҳам келгусида худбинлик ва кибрга мойилликка олиб келиши мумкин. Аксинча, доимий назорат эса уни мустақиллик ва ўзига ишончдан маҳрум қиласди.

**«Kitob.uz» сайтидан олинди.**



## ОДОБ

Аллоҳнинг инсонларга берган нъматларининг энг улуғи сўзлаш ва мақсад-ниятларни тушунтириб бериш неъматидир. Инсонларнинг бошқа маҳлуклардан асосий фарқи ҳам шунда.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Роҳман сурасининг 1-4 оятларида: «Роҳман. Қуръонни ўргатди. Инсонни яратди. Унга баённи ўргатди», дея марҳамат қилган.

Ҳар қандай неъматга шукр қилиб, унинг ҳақ-кини адо этиш вожибdir. Инсонлар гапириш неъматидан қандай фойдаланишлари кераклигини ҳамда фақат яхши гапларнигина сўзлашлари лозимлигини Ислом дини яхшилаб тушунтириб берган. Аллоҳ таоло ибрат учун тиллари харатага келмайдиган, гапириш, сўзлашдек улуғ неъматдан бебаҳра қанчадан-қанча кишиларни яратиб қўйган. Лекин аксариятимиз улардан ибрат олмаймиз, асосий вақтимизни бехуда ва

# СЎЗЛАШ ОДОБЛАРИ

фойдасиз гаплар билан ўтказамиз. Ахир Аллоҳ таоло тилни бу мақсадда яратмаган-ку!

«Уларнинг кўплаб маҳфий сухбатларида яхшилик йўқ, садақага, маъруфга ва одамлар орасида ислоҳга буюрган кишигина бундан мустасно. Ким буни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга буюк ажр берурмиз» (Нисо сураси, 114-оят).

Ислом ҳар қандай гапнинг мавзусига жиддий эътибор беради. Чунки инсоннинг ҳар бир сўзи, фикри унинг ақлига ва аҳлоқига далолат қилиб туради. Аввало бирор гапни гапиришдан олдин уни эшигувчи, ундан бирор фойда оловучи борми ёки йўқми, шунга эътибор қаратиш лозим. Агар сизнинг ҳузурингиздаги кишилар ичida бундай одам бўлмаса, гапирмай, жим турган афзал. Чунки ўринсиз гапдан тўхтаб, уни тарқ этиш ҳам ибодат ҳисобланади.

Бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан жуда кўп ҳадислар ривоят қилинган:

«Аллоҳга қасамки, ер юзида тилдан ўзга нарсага чуқур зиндан керак эмас».

Абдуллоҳ ибн Аббос айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Беш ҳолат сенга ҳамма нарсадан яхшидир:

1. Ноўрин гапирмайсан, чунки бу фазилат.
2. Ўрнини топиб гапирасан. Кўпчилик ноўрин гапиради. Бу эса айб.
3. Ҳалим – юмшоқ одам билан гап талашма. У мулоим гапириб, сени ёғда қовуриб қўяди.
4. Кўпол одам билан ҳам гап талашма. У сенга дилозор бўлади.

5. Биродарингни доим эслаб юр. «Яхшилик билан мукофотланаман, ёмонлик билан жазоланаман» дейдиган одам мисоли иш тут».

Бу фазилатларга тилига эга бўлган, тилини жиловлай оладиган мусулмонгина мұяссар бў-

лади. Тилининг етовида бўлган кишиларни эса тили ҳалокатга етаклайди. Маҳмадоналиқ қилиб, олди-қочди гаплардан ўзини тиймайдиган одам кўп адашади. Фикрларини жамлаб олмоқчи бўлган киши шовқин-сурон бўлмаган сукуннатга ўзини олади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Абу Зарр розияллоҳу анҳуга қуидагича насиҳат қилган эдилар: «Камроқ гапир, бу сени шайтондан йироқ киласи, диний амалларингда сенга кўмакчи бўлади».

Жиловсиз тил шайтоннинг қўлидаги юмшоқ арқонга ўхшайди. Тилини жиловлай олмаган одамни шайтон ўзи хоҳлаган куйга солади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам марҳамат қиласидилар: «Тили тўғри эмас кишининг қалби ҳам тўғри бўлмас, қалби тўғри бўлмаса, унинг иймони ҳам тўғри бўлмас».

Демак, инсон ўзининг алоқаси бўлмаган ҳар қандай нарсадан юз ўгириш, ўзига лозим бўлган ишларни пухта бажариш билан саодатга эришади.

Бир сурув күй ичра юз оч бўри кирганда бўладиган ғавғодан бир соатлик шайтон фасоди зиёдароқдир. Ва юз шайтоннинг одамзодга қиладиган фасодидан нафснинг одамзодга қиладиган фасоди ёмонроқдир.

*Ҳаким Термизий*

\*\*\*

Хаммадан ёмони семизлик ва тўқлиқдир.

*Абу Язид Бастомий*

\*\*\*

Тананг иморати дош бера оладиган миқдорда тановул эт.

*Абдураҳмон Жомий*

\*\*\*

Бил, оёқ остингда юрган чумоли  
Бир донга гаровдир юз жони-ҳоли.

*Хусрав Дехлавий*

\*\*\*

Ўн олти йилдан бери тўйиб овқатланмадим.  
Зеро, кўп ейиш баданни оғирлаштиради, қалбни қорайтиради, заковатни кетказади, уйқуни жалб этади ва кишини ибодатга заиф қилади.

*Имом Шофеъий*

\*\*\*

Кимнинг ҳиммати-ю муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг кайғусига шерик бўларлар, ҳамдардлик билдираплар.

*Абулқосим аз-Замахшарий*

\*\*\*

Ҳар қандай одамнинг қалбида сахийга муҳабат, баҳилга нафрат бор.

*Яҳё ибн Муъз*

\*\*\*

Сўралмасидан берган – ҳақиқий сахий одам, қасос олишга қодир бўлатуриб, авф этган – ҳақиқий мард одам.

*Хусайн ибн Али*

\*\*\*

Сахий, мардлар ёзса дастурхон,  
Ҳатто итга тегар устихон.

*Хусрав Дехлавий*

\*\*\*

Бахил киши ўз мол-мулкининг қоровули ва ўзгаларга қолдирадиган мероснинг хазиначисидир.

*Мұхаммад Зөхній*

Киши қанчалик бадавлат бўлмасин, у хасис ва баҳил бўлса, эл ичида обрўсиз ва қадрсиз бўлади.

*Абулбаракот Қодирий*

\*\*\*

Қора тупроқ қаъридан тортиб, то Зухал чўққисигача бўлган дунёнинг ҳамма мушкул масалаларини ҳал қилдим. Мен ҳар қандай макр ва ҳийла тузогидан қутулиб чиқа олдим-у, аммо ўлим тугунини еча олмадим.

*Абу Али ибн Сино*

\*\*\*

Вақт кескир қиличдир, у ҳеч нарсага қарамай, шартта ўтади-кетади. Сен эсавой-войлаганча қолаверасан.

*Қози Аҳмад Гаффорий*

Ўтиб борар ажиб умр карвони,  
Қўлингдан чиқмасин шодлик замони.

*Умар Хайём*

\*\*\*

Инсон токи ўзини майдагап, ўчакишиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳу-воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўлолмайди.

*Абу Али ибн Сино*

\*\*\*

Макаримул ахлоқ қуйидаги ўн хислатдан иборатдир: саховат ва ҳаё, ростгўйлик ва омонатни жойига бериш, камтарлик ва рашқ, шижоат ва ҳалимлик, сабр ва шукр.

*Али ибн Абу Толиб*

\*\*\*

Ёмонлик бутун нуқсонлар мажмуидир.

*Хусайн Ваиз Кошифий*

\*\*\*

Кўркув билмайин десанг, ёвузлик килма.

*Қобус*

\*\*\*

Ким ёвузлик уругини сепса, пушаймонлик ҳосилини йифар.

*Саъдий Шерозий*

*Назокат тайёрлади.*

Магнит оқимларининг кўпайиши, атроф-мұхитдаги геофизик ўзгаришлар, атмосфера босимининг ўзгариши, ҳаво ҳароратининг мўътадил эмаслиги, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, организмдаги биоритмларнинг бузилишига, кайфиятнинг тушиб кетишига, уйқунинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Кўпчилик беморларда юқоридаги ўзгаришларга боғлиқ равишда умумий ахволнинг ёмонлашиши, қон босимининг кўтарилиши ёки пасайиши, юрак, бош, бўғим, умуртқа ва бошқа соҳалардаги оғриқларнинг кўпайиши, тушкунлик кайфияти, руҳий касалликларнинг тез-тез қўзғалиши кузатилади.

Хозирги пайтда ҳавода магнит оқимлари пайдо бўлишини, атмосфера босими, ҳарорат ўзгаришларини ва бошқа табиат ҳодисаларини олдиндан билиш имконига эгамиз. Шунинг учун уларнинг инсон соғлиғига салбий таъсирининг олдини олиш мумкин. Бу нарсани фақат дори-дармонлар қабул қилиш йўли билан эмас, балки организмнинг кучини ошириш, иммунитетни кучайтириш йўли билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Бундай пайтда асосий қоида – бу организмниниг ички имкониятини оширишга ҳаракат қилиш. Бунга жисмоний ҳаракатларни ва чиникиш муолажаларини кўпайтириш, ишлаш ҳамда дам олиш тартибига амал қилиш, тўғри овқатланиш каби йўллар билан эришилади. Ҳар бир касаллик турида ўз даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашиб, унинг тавсияларига риоя қилишингиз лозим.

Бугунги сухбатимизда ҳавода геофизик ўзгаришлар юз берганда, яъни магнит оқимлари кўпайиб, ҳаво ўзгарганда юрак-қон томири касалларни (юрак ишемик касаллиги, қон босими,

# МАГНИТ БЎРОНИ

ёшлар орасида кўп учрайдиган вегетатив дистония ва бошқа юрак туғма касалликлари) билан оғриган беморлар билан ўтказиладиган муолажалар хусусида сўз боради:

1. Юқоридаги касалликлар билан оғриган беморлар бундай кунларда жисмоний ҳаракатларни камайтиришлари, кўпроқ дам олишга ҳаракат қилишлари лозим.
2. Шифокор буюрган, доимо ичиб юрадиган дори-дармонларнинг миқдорини ошириш керак.
3. Уларга тинчлантирувчи дориларни қўшиб ичиш мумкин (масалан, “Корвалол”, “Барбовал”, “Сибазон” ва ҳоказо).
4. Қонни суюлтирувчи воситаларнинг миқдорини ҳам ошириш лозим. (Албатта, шифокор назорати остида).

5. Доимий қабул қилинадиган дориларга қўшимча равишда қон томирларни кенгайтирувчи воситаларни қабул қилган мақул.

6. Массаж ва даволовчи машқлар билан шуғулланиш яхши фойда беради.

Азиз муслималар! Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, атмосферадаги геофизик ҳолатлар ўзгарганда инсон ўзида юз берадиган ўзгаришлардан қўрқмаслиги, уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиши керак.

*Раъно Тожибий қизи тайёрлади.*



# МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ТАРИХИ

Миллий либосда миллатнинг ўзига хос тарихи ва маданияти акс этади. Бундан ташқари, либосда миллатнинг келиб чиқиши тарихига бориб тақалувчи анъаналар, ижтимоий муносабатлар, урфодатлар намоён бўлади.

Маълум бир тадбир учун мўлжалланган либослар эса миллатнинг эътиқодини ўрганишда ёрдам беради. Миллий либосларимизнинг кўриниши асрлар давомида шаклланиб келган. Унинг баъзи бир элементлари, декоратив безаклари ва ранглари она заминимизнинг табиати ва иқлимидан дарак беради.

Кийимларнинг тури кишиларнинг ёши, ижтимоий ўрни, макони ва замони, дунёкараши, тўй ва маърака маросимларидан келиб чиқиб танланган. Ҳар бир либосга маълум бир мато, нақш, ранг ва расмлар ишлатилган.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатди, тарих давомида миллий либосларнинг анъанавий кўриниши мутлақо ўзгармаган, деб бўлмайди. Либосларда маълум даражадаги ривожланиши, баъзида эса урфдан бутунлай чиқиб кетганини ҳам кўриш мумкин.

Россия империясининг Ўрта Осиё миңтақасини босиб олиши ва ўзининг янги харидор бозорини яратиши ўзбек миллий либосларидаги урфнинг ўзгаришига, либослардаги баъзи сифат ва хусусиятларнинг йўқолишига ҳамда уларда умумевропа либосларининг жиҳатлари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Совет иттифоки даврида халқларнинг жуда жипс ҳолдаги муносабатлари ҳам либос ва урфларнинг ўзаро алмашинувига сабаб бўлди.

Бироқ асрлар давомида шаклланган миллий урф ва маданият либосларда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Миллий нақш, услуг ёки матолар ҳозирги замонавий либосларда ҳам кўп учрамоқда.

Ўзбек замонавий либослари бир хил услубда эмас. Мисол учун, ҳозирги ёшлар замонавий маданиятга мос равишда Европа либосларини кийишмоқда. Лекин барибир ушбу либосларнинг баъзи бир жиҳатларида миллийлик сезилиб туради. Ўрта ёшдагилар XX асрнинг 40-йилларида хос бўлган урфда кийинишни ёқтиришади. Кекса ёшдагилар эса, асосан аёл кишилар кийим танлашда ёшликларидан кийиб ўрганган ва ўша даврга хос миллий кийимларни маъқул кўришади.

Ўзбек аёлларининг миллий либоси уч қисмдан: ичдан кийиладиган кийим (кўйлак, лозим каби), кийим устидан кийиладиган кийим (камзул, нимча каби) ва ташқарига чиққанда кийим устидан кийиладиган кийимлар(паранжи, чиммат, чачвон каби)дан иборат бўлган.

Паранжининг енги кенг бўлган, унинг узунлиги бармоқларгача, ўзининг умумий узунлиги оёқларнинг тўпиқ қисмигача бўлган. Унинг остидан чачвон деб номланган бош кийим кийилган.

Бош кийим сифатида рўмоллардан, бошга ўрайдиган боғлағичлардан, матодан тайёрланган қалпоқлар ва дўппилардан фойдаланилган.

Оёқ кийимлар эса теридан тайёрланган маҳси-кавуш ва резинадан тайёрланган калишдан иборат бўлган.

*Ирода тайёрлади.*



# Фсйдали маслаҳатлаф

Ёз – тозалаш ва ободонлаштириш мавсуми. Уй бекаларимиз учун маҳсус тозалаш воситаларисиз ҳам ойналарни ярқиратиш борасида бир нечта тавсиялар:

- Агар ойнангиз тозалиқдан ярақлаб туришини истасангиз, уни ювиш учун ишлатиладиган сувга озроқ крахмал қўшинг.
- Ойналар намланиб, қишида эса музлаб қолишининг олдини олиш учун уни глицерин ёрдамида артиш лозим.
- Агар ойна музлаб қолса, уни дарҳол туз билан артинг. Муз эригач, қуруқ мато билан артиш тавсия этилади.
- Ойналарни пиёз суви қўшилган сув ёрдамида артсангиз, уларга пашша ва чивинлар яқинлашмайди.
- Ранг берилган ойналарни сув ва озроқ истеъмол сиркаси аралашмасида артиш мумкин.
- Бўр ва тиш ювиш кукуни кўп қўлланиладиган, ойнани яхши тозаловчи воситалар ҳисобланади.



нади. Бунинг учун 2-3 ош қошиқ бўр ёки тиш ювиш кукунига 1 стакан сув аралаштирилади. Ушбу аралашмага ботирилган мато билан ойна тозаланади. Артилган ойна қуригандан кейин қуруқ ва юмшоқ мато ёки газета билан тозалаб артилади.

• Кўзойнак ойналари намланиб қолмаслиги учун қуидаги аралашма билан ювилгач, тоза фанель (ёки майин мато) ёрдамида артиб олинади. Аралашма: 3 қисм глицерин, 7 қисм суюқ совун ва бир неча томчи скипидар (ўтқир ҳидли суюқ модда).

• Тозалаб ювилгач биллур идишларни кўк крахмал (синька) теккизилган юнгли мато билан артилса, идишлар янгидек ярақлаб қолади.

• Шиша кўза ва графинларнинг туби яхши тозаланишини истасангиз, бир неча хом тухум пўчоғини илиқ сувга солиб, уни идишга қуйинг, сўнг идишни яхшилаб силкитинг. Натижада ингичка оғизли идишларингизнинг туби топ-тоза бўлади.

## Таом тайёрлаётган чоғингизда:

• Помидор пўстидан тез ва осон ажralиши учун бир-икки дақиқага қайноқ сувга солиб кўйинг. Шундан сўнг помидорнинг арчилиши осон бўлади ва кўп вақт талаб этмайди.

• Нўхатни илиқ сувга ивитиб қўйиш лозим. Агар у янада юмшоқ бўлишини истасангиз, чой қошиқ учida истеъмол содасини қўшиб ивитинг.

• Агар тухумда ёриқ пайдо бўлган бўлса, уни тузли сувда пиширишни маслаҳат берамиз.

• Сабзавотларни баланд оловда қовуриш лозим. Шунда сабзавотларнинг сели чиқиб кетмайди ва ўз таъмини сақлаб қолади.

• Консерваланган помидор пастаси банкасини очгандан сўнг моғорлаб қолмаслиги учун унга озгина туз аралаштириш ва устига ярим ош қошиқ мой қуийб қўйиш лозим.

*Гўзал тайёрлади.*

# ХУШРҮЙЛИК СИРЛАРИ

## Мойчечак ва кўзлар

Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун икки-уч дона мойчечак гулини идишга солиб, устидан қайноқ сув қуйиб қўйинг. Илиқ ҳолатга келгандан сўнг ўша сувга кўзларинизни ювинг. Ёки 2 литр қайнок сувга бир ҳовуч мойчечакни солиб, аралаштиринг, сўнгра ундан чиқаётган буғга 10 дақика давомида юзингизни тутиб туринг. Бу муолажа нафакат кўзлар учун, балки юз териси учун ҳам жуда фойдали бўлиб, кўзлардаги чарчоқ ва шамоллашни олиш билан бирга, унинг таркибидаги фойдали моддалар юз терисини тоzialайди, юмшатади.



## Саримсоқ пиёз ва микроблар

Саримсоқ пиёзда танани микроблардан муҳофаза этиш хусусияти кучли. Ундан ҳуснбузарларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ҳуснбузар чиқа бошлиши биланоқ унинг устига саримсоқ пиёзнинг сувини суртиб қўйиш кифоя.

*Иродда тайёрлади.*

## ЎРАМА КЎК СОМСА

Керакли масаллиқлар:

Хамирига: 1стакан илиқ сув, 1стакан илиқ сут, 1 чой қошиқ сирка, 5-6 қошиқ ўсимлик ёғи, 1 чой қошиқ туз, ун.

Қиймасига: Исмалоқ (шпинат), таъбга кўра қуйруқ, туз, зира, кашнич, майдаланган мурч, 2 дона ўртacha катталиқдаги пиёз.

Хамир орасига: 75-100 гр эритилган маргарин ёки сариёф.

Устига: 1та тухум сарифи ва озгина седана.

Ўртacha қаттиқлиқдаги хамир қоринг. Хамир юмшоқ бўлиб кетмаслиги керак. Хамирни силлиқ бўлгунича яхшилаб муштланг. 10-15 дақиқа тиндиринг. Бу орада қийма тайёрлаб олинг.

Исмалоқ ва қуйруқни майда қилиб тўғранг. Пиёзни ҳам майда кубик-кубик шаклида тўғранг.

Туз, зира, мурч, майдаланган кашнич қўшиб, аралаштиринг. Тинган хамирни 2-3 бўлакка бўлиб, юпқа қилиб ёйинг. Ёйилган хамирга эритилган сариёф суртинг.

Хамирнинг бир четига қиймани бир текисда солиб, икки бармоқ қалинлигидаги рулет шаклида ўранг. Ўзингизга маъқул катталиқда бўлакларга бўлиб чиқинг. Устига тухум сарифини суриб, седана сепинг.

Аввалдан 200-220 даражада қизитилган духовкада қизаргунча пиширинг.

*Гўзал тайёрлади.*

